

Менинг тилагим, даъватим шуки, Ватанимизнинг, олижаноб халқимизнинг ана шундай меҳри ва ишончига доимо муносиб бўлинг, маррани ҳамиша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!



Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADO LAT

O'zbekiston
«Adolat» sotsial-
demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 22 (982) • 2014-yil, 30-may, juma

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ҲАММОНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Аваллаб, сиз, азиз болаларим, сизларни қўлаб турган муҳтарам устоз-мураббийлар, ота-оналар, ёру дўстларингизни Ўзбекистон ҳаётидаги улкан воқеа — ёшлик, камолот ва спорт байрами — «Баркамол авлод» ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, барча-барчангизга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, янги-янги омадлар тилашдан бахтиёрман.

Айни шу кунларда янада чирой очиб бораётган Наманган заминига, ушбу мусобақаларга чуқур тайёргарлик қўриб, сизларни бағрини кенг очиб қўлиб олаётган, меҳр-оқибат, одамийлик каби фазилатларнинг ўрини, қадрини биладиган, меҳнаткаш ва меҳмондўст Наманган аҳлига, мана шу муаззам стадионда тўпланиб турган сизларнинг барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматимни изҳор этишдан хурсандман.

Азиз болаларим, фарзандларим!

Биз бугун мамлакатимизда янги давлат, янги жамият барпо этмоқдамиз. Лўнда қилиб айтганда, биз ўз олдимишга қўйган буюк мақсадлар, яъни, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш, ўз эркинлигимизни, ўз мустақиллигимизни ҳимоя қилишга қодир бўлиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш — бундай улғувор вазифалар бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, барчамизга яхши ағдир.

Албатта, бундай олий мақсадларга эришиш барчамиздан оғир ва машаққатли меҳнатни, катта синовлардан ўтиш, бошлаган йўлимизни давом эттиришни, фидойиликни, бир ёқадан бош чиқариб, бирдамлик билан ҳаракат қилишни, курашишни талаб этади.

Яна бир фикрни чуқур англаб олишни истардим. Биз кўзлаган юксак марраларга эришишнинг энг катта, энг муҳим шарти ва омил — бу авваллаб ҳам ҳисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч қандам кам бўлмайдиган, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдирини ва истиқболини ўзини масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, мана шу муҳташам стадионда тўпланган сизлар каби минг-мигда ёшларимиз, ўз фарзандларимиздир.

Биз озу қилган, биз интилайтган буюк келажагимизни қуришда, барпо этишда биз сиз, азизларни энг катта ишончимиз, энг катта таянчимиз, деб биламиз.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин — бугунги кунда она юртимизда дунёдаги бошқа мамлакатларнинг ҳавасини тортаётган замонавий таълим ва тарбия тизими, ўқув масканлари барпо этилган. Болаларимиз тўққиз йиллик умумтаълим мактабларини битириб, қишлоқ ва шаҳарларимизда янгитдан қурилган 1500 дан зиёд энг замонавий лицей ва коллежларда 3 йил давомида таҳсил олади. Бу ўқув юртини энг илғор илм-фан ва тараққиёт сирларини ўзлаштиришга, 2-3 та касб-хунарни, хорижий тилларни, Интернет ва ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашга имкон яратади ва бугунги замон талабига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлайди.

Энг муҳими, йигит ва қизларимиз ана шу лицей ва коллежларни битириб, ўз она юртига, ўз Ватанига садоқатли бўлиш мактабини ўтади, ҳаётга онгли қадам қўйишга, жамиятда ўзига муносиб ўрин топишга тайёр бўлади.

Менинг ишончим комил — ҳам билим, ҳам касб-хунар берадиган бундай ўқув юрти, билим ўчоғини битириб чиққан сиз азиз болаларимизнинг ҳар бири, мана, мен ҳеч қандам кам бўлмади, озод Ватанда вояга етдим, энди менинг келажагим ўз қўлимда, ота-онам, эл-юртимнинг ишончини оқлайман, деган фикр билан яшашни муқаррар. Бундай авлодининг қадди ҳам, қадри ҳам баланд, эртанги кун албатта ёру бўлади.

Хурматли мусобақа иштирокчилари! Бугунги кунда униб-ўсиб келаётган, баркамол авлод бўлиб вояга етаётган ёшларимизнинг барчаси ўз ҳаёти, ўз келажагини спортсиз тасаввур этолмайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Сизларнинг билим ва касб-хунар чўққиларини эгаллаш билан бирга, спортга меҳр қўйиб, халқаро олимпиада ўйинларининг бар-

ча белги-аломатларини ўзида мужассам этган ушбу «кичик Олимпиада»нинг финал босқичига етиб келиш учун қандай тинимсиз машқ қилганингиз, ирода ва маҳорат кўрсатиб, қандай синов ва қийинчиликларни енгиб ўтганингизни мен ўзимга яхши тасаввур қиламан. Сизларнинг мана шундай марраларни қўлга киритганингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, катта ғалаба.

Агар 2011 йилда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларининг саралаш босқичида 700 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этган бўлса, 2014 йилда бу рақам 810 минг нафарни ташкил этаётгани ҳам, мазкур беллашувларнинг қамрови кенгайиб, кураш майдонларидаги баҳслар нақадар қизгин ва муросасиз кечганидан далолат беради.

Барчамиз яхши биламизки, ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ, айниқса, спорт оламидаги ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришилаётган ютуқ — бу аввало бутун борлигини сафарбар этиб, ўз олдига қўйган мақсад йўлида ўзини енгиб, ўзини аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: катта спортга интиланган, бу йўлда эндигина ўзининг илк қадами қўётган ҳар қайси ёш спортчимиз бугун жаҳон майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган, номлари бутун Ўзбекистонда машҳур бўлган ўнлаб-юзлаб спортчилардан ўртак ва ибрат олади.

Шулар қаторида бокс бўйича жаҳон чемпиони Бектемир Меликузиев, стол теннис бўйича халқаро турнир ғолиби Тохир Салимов, дзюдо бўйича жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Сарвар Шомуродов, шахмат бўйича жаҳон чемпионати совриндори Мохинур Қажрамонова, бокс, теннис, оғир атлетика, стол теннис бўйича халқаро турнирлар ғолиблари Суннатилла Баходиров, Ҳумоюн Султонов, Отагон Имомов ҳамда Саидхон Қазакова, юнон-рум кураши, таэквондо ва дзюдо бўйича Осиё чемпионати совриндорлари Қамариддин Зайниддинов, Темур Ҳақимов, Гафур Актамов сингари истеъдодли ёшларимизнинг номларини бугун ҳурмат билан тилга оламиз.

Азиз ва суюкли фарзандларим!

Барчангизнинг ҳаётингизда ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган, қизгин ва ҳалол курашлар руҳида, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик муҳитида ўтадиган мусобақаларда сизларга муваффақият тилар эканман, бир фикрни такрор ва такрор айтмоқчиман.

Биз ўз олдимишга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қийфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Менинг тилагим, даъватим шуки, Ватанимизнинг, олижаноб халқимизнинг ана шундай меҳри ва ишончига доимо муносиб бўлинг, маррани ҳамиша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!

Фурсатдан фойдаланиб, «Баркамол авлод» ўйинларини юксак савияда ўтказиш учун замонавий спорт мажмуалари ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этган моҳир курувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, ана шундай эзгу ишларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳолий ташкилотларга, бутун Наманган аҳлига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги спорт байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга келгуси ҳаётингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ёшлик, баркамоллик ва спорт байрами

Наманган шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2014» республика спорт мусобақалари бошланди

Наманган шаҳрининг бугунги оқшоми ўзгача тароватли. Вилоятда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг самаралари ранг-баранг чироқлар ёғдусида янада мафтуркор манзара касб этган.

Бу оқшом Наманганнинг Дўстлик кўчаси ҳар кунгидан-да гавжум. Байрамона кайфиятдаги юртдошларимиз «Навбахор» стадиони томон ошқмоқда.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг тан-

танали очилиш маросими ана шу ерда ўтади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва ёшларимизнинг сеvimли спорт анжуманига айланган уч босқичли спорт мусобақалари 2000 йили Универсиада билан Наманганда бошланган эди. Мана шу стадионда бўлиб ўтган ўша тантанали маросимлар шукҳини наманганликлар ҳамон илиқ таассуротлар билан эслайди.

Бугун яна бир шундай йирик нуфузли тадбир — ёшлик, баркамоллик, нафосат ва бирдамлик байрами — «Баркамол авлод — 2014» мусобақалари мезбонлик қилаётган Наманган янада чирой очган.

Ниҳоят, орзиқиб қўтилган дақиқалар келди. Йигирма мингдан зиёд томошабин келган стадион узра «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг чорлов садолари янграйди.

Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг терма жамоалари кириб келади.

Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларини очик, деб эълон қилади.

2 ➤

Андрис БЕРЗИНЬШ: Ўзбекистонга ташрифим фоят самарали бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Улўғбек Розуқулов ҳамроҳлигида 29 май куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

2 ➤

➤ 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни

Бола қувончи — олам қувончи

Ёш авлодсиз келажақ йўқ. Ушбу оддий ҳақиқатни англаб етган давлатлар ҳамиша ўсиб келаётган авлодга, болаларга ўзгача ғамхўрлик кўрсатади, уларнинг комил инсонлар бўлиб етишишлари учун қайғуради.

8 ➤

Депутат учун иккинчи даражали масаланинг ўзи йўқ

➤ Депутатлик гуруҳларида

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти самардорлигини ошириш йўллари» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашнинг депутатлари, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари доимий комиссиялари раислари ва партия фаоллари иштирок этди.

2 ➤

Келгуси сонда:

Моҳир педагог, жонкуяр сафдош

... меҳрибон ва мунис аёллар сафида Янгиер шаҳар академик лицейи ўқитувчиси, Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси Мамлакат Латипова ҳам бор.



Ёшлик, баркамоллик ва спорт байрами

Давлатимиз байроғи кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси янграйди.

Давлатимиз байроғи кўтарилади.

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари байроғи ҳилпайди.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари иштирокчилари бўлажак беллашувларда ҳалол ва муроасиз курашишга тантанали қасамёд қиладилар.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, касб-хунар эгаллаши учун барча шароит ва имкониятлар яратишга изчил эътибор қаратиб келинмоқда.

Бундай эзгу ишлар фарзандларимизнинг спортга қизиқишини янада ошириш, уларнинг соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етишига хизмат қилмоқда. Бугун катта ҳаётга дадил кириб келаётган ёшлар — халқимиз орзу қилган баркамол авлод вакиллари. Улар ўз соҳалари бўйича пухта билим олган, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштирган, хорижий тилларни яхши биладиган, билимли, юксак маънавиятли ва жисмонан соғлом ёшлардир.

Мамлакатимиздаги бир ярим мингдан зиёд болалар спорт иншоотларида ташкил этилган 65 мингдан ортиқ спорт секцияларида икки миллионга яқин бола спортнинг ўттиздан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 840 мингдан ортиғи қизлардир. Қишлоқларда яратилган шароит туфайли спорт билан шуғулланаётган қишлоқ болаларининг сони 2003 йилдаги 14,7 фоиздан 2013 йилда 43 фоизга, жумладан, қиз болалар улуши 17,8 фоиздан 37,9 фоизга ўсди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ўғил-қизлар сафи кенгайгани сари, табиийки, спорт инвентарлари-га бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Болалар спорт иншоотлари учун зарур бўладиган 120 турдаги ускуна ва анжонларнинг 116 тури мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда.



Ўзбекистон оммавий спортни ривожлантириш орқали катта спортда ҳам улкан ютуқларга эришаётди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг амалдаги самаралари — ёшларимизнинг жаҳон ва қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақаларда кўлга киритаётган ютуқларидан ҳақли равишда фخرланамиз.

Мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар орасида уч босқичли спорт тизимидан етишиб чиққан ёшлар кўпчилиги ташкил қилади. Бугун ушбу моҳир спортчиларимиз улғайиб келаётган ўғил-қизлар учун ҳақиқий ўрнак ва намуна тимсолига айланган.

Бу борада «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат узлуksиз спорт тизимининг аҳамияти бекиёс. Мазкур уч босқичли ноёб спорт тизими мутахассислар томонидан янги педагогик технология сифатида эътироф этилиб, бугун кўплаб давлатлар катта қизиқиш билан ўрганаётди.

Мазкур тизимнинг ўрта бўғини — «Баркамол авлод» спорт мусобақалари олтинчи мартаба ўтказилмоқда. Мазкур мусобақага илк мартаба 2001 йилда Жиззахда старт берилган эди. Мусобақанинг мамлакат босқичида туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги беллашувларда ўз иқтидори ва қобилиятини намойён этган энг сара спортчилар қатнашади. «Баркамол авлод» беллашувларида қайд этилаётган натижалар, кўрсаткичлар, рекордлар йилдан-йилга ўсиб бораётгани ёшларимизнинг спортдаги салоҳияти юксалаётганидан далолатдир.

Мусобақаларга Андижон, Чирчиқ, Нукус ва Термиз шаҳарлари мезбонлик қилди. Уларда қатнашган ёшларнинг

иқтидори ва маҳорати мунтазам ошиб бораётганини кўплаб спортчиларимиз халқаро майдонларда салмоқли ютуқларга эришаётганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Жамшид Искандаров ва Игорь Сергеев футбол бўйича мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси сафида Осиё ва жаҳон чемпионатларида тўп сурди. Бадий гимнастикачи Комила Тўхтаева, Вероника Есипова ва Равила Фархудинова, шахматчи Нодира Нодиржонова, Хулкар Тохиржонова, энгил атлетикачи Руслан Курбанов, Зарнигор Ортиқова, сузиш бўйича Ўзбекистон рекордчиси Юлдуз Қўчқорова қитъа миқёси-



даги мусобақаларда кўп бор шохсупага кўтарилди. Полвонларимиздан белбоғли кураш бўйича уч қарра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Шахбоз Саидмуродов каби спортчиларимизнинг нуфузли мусобақаларда эришаётган натижалари муҳлиси мутахассислар томонидан юксак баҳоланмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг салоҳиятини намойён этиш, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ва-

танпарварлик, эл-юртга садоқат, ифтихор туйғуларини сингдиришда спортнинг аҳамияти бекиёс. Давлатимиз раҳбарининг болалар спортини — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам пойдеворидир, деган фикри амалда ўз исботини топмоқда.

...Стадионга Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Кўш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қуёш ўчоғидан аланга олдирилган «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг маънасини кўтарган йигит ва қиз кириб келади.

«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари оловини бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони, Сулфани муноиди Давлат мукофоти соҳибаси Шохиста Рашидова ва белбоғли кураш бўйича уч қарра жаҳон чемпиони Рустам Умаров ёқади.

Томошбинларнинг ҳаяжонли хитоблари, гулдўрс олқишлари билан қутиб олинган ушбу аланга ёшларимизнинг қайноқ қалби, ёнқ орзу-интилишлари рамзи сифатида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2014» мусобақалари давомида порлаб туради. Мутахассислар ва кенг жамоатчилик томонидан «Кичик Олимпиада», деб таърифланган уч босқичли узлуksиз

спорт тизими мусобақалари Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилади. Эътиборлиси, бу йилги мусобақалар аввалгисидан тўртта кўп, яъни спортнинг ўн олти тури — баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи, белбоғли кураш, дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондо, энгил атлетика, бадий гимнастика, теннис, стол теннис, сузиш ва шахмат бўйича ўтказилмоқда. Мусобақаларда иштирок этадиган ёшларнинг аксариятини спорт билан мунтазам шуғулланиб, юксак марралар сари интилаётган, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда тажриба ва маҳоратини ошириб, катта спортдаги муваффақиятли одимларини бошлаш арафасида турган иқтидорли ўғил-қизлар ташкил этади.

«Баркамол авлод» мусобақалари мезбони Наманган вилоятида спортни ривожлантириш, айниқса, болалар спортининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда вилоятда 140 га яқин спорт иншооти, жумладан, болалар мусика ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2009 йил 6 августдаги «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида қуриб фойдаланишга топширилган «Баркамол авлод» спорт мажмуаси спортсевар ёшлар учун муносиб туҳфа бўлди. Ушбу мажмуа таркибиде халқаро стандартларга жавоб берадиган катта стадион, ёпиқ сузиш ҳавзаси, энгил атлетика, спорт гимнастикаси, бокс, кураш, волейбол, баскетбол майдонлари ва теннис корти мавжуд.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январдаги «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида «Навбахор» стадиони жаҳон андозалари даражасида реконструкция қилинди.



Шаҳарда «Камолот» ёшлар боғи, «Кичкинтой» боғи барпо этилиб, замонавий аттракционлар ўрнатилди. «Кичкинтой» боғида ҳайвонот боғи ва океанарий ташкил қилинди. Нодира номидеги вилоят ахборот-кутубхона маркази, Бобур номидеги маданият ва истироҳат боғи, Алишер Навоий номидеги вилоят мусикали драма ва комедия театри сингари маданият масканларида ҳам катта ҳажмда реконструкция ишлари амалга оширилди.

Ёш авлоднинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида барпо этилган 400 ўринли томоша, 50 ўринли конференция зали, кўргазмалар зали, 20 га яқин тўғараклар бир пайтда машғул ўтказишга мўлжалланган хоналар, янги оила қураётган ёшларни никоҳдан ўтказиш, соғлом ҳаёт асослари, интернет тармоғига уланган ахборот ресурс бўлимлари, бирийўла 100 дан зиёд йигит-қизнинг бир неча спорт тури билан шуғулланиш имконияти яратилган спорт залини ўз ичига олган «Наманган Ёшлар маркази» вилоят ёшларининг камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

«Баркамол авлод» мусобақалари дастурига киритилган спорт турлари бўйича иншоотлар, иштирокчилар жойлаштириладиган меҳмонхона, ётоқхона ҳамда бошқа ижтимоий-маиший объектлар замонавий андозаларда таъмирланиб, жиҳозланди. Жумладан, «Дўстлик» теннис корти мажмуасида 8 очик ва иккита ёпиқ корт, Наманган Олимпия захиралари коллежидан баскетбол зали, «Пахлавон» спорт мажмуасининг бадий гимнастика зали, «Баркамол авлод»

спорт мажмуаси, футбол, волейбол, қўл тўпи, энгил атлетика, оғир атлетика майдонлари, сузиш ҳавзаси, шахмат павильони, Олий спорт маҳорати мактабининг бокс, дзюдо, таэквондо, эркин кураш, юнон-рум кураши залларида мусобақаларнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш учун барча қулайликлар яратилди.

Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-педагогика, Наманган муҳандислик технология институтлари ва бир қатор коллежларнинг турар-жойлари ва спорт заллари, иншоотларида кенг қўламдаги таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Мусобақа иштирокчилари учун ўқув юрларининг ётоқхона мажмуалари таъмирланиб, қулай шарт-шароитлар яратилди.

«Баркамол авлод — 2014» беллашувларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизил-қармил ва кўнгличор тадбирларга бой катта маданий дастур тайёрланди. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар, турли концертлар, бадий фильм ва спектакллар намойишлари, «Истиқлол» дизайн маркази, «Ифтихор кийим саноат», «Нестле Ўзбекистон» каби замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан таништириш сингари тадбирлар кўзда тутилган.

...Майдонга мусика садолари остида ранг-баранг либослардаги спортчилар, болалар ижодий жамоалари, таниқли эстрада хонандалари кириб келади. Улар ижро этган сахна кўринишлари, қўшиқ ва рақсларда Ўзбекистон ёшларига хос интилиш, ғайрат-шижоат, жўшқинлик ва нафосат намойён бўлади. Мамлакатимизнинг истеъдодли ёш авлоди вакиллари ёрқин театрлаштирилган томоша намойиш этади.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақалари ўйинларининг тантанали очилиш маросими катта концерт дастури билан якунланди.

«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этади.

Абу Бакир ҲОЗОВ,
Акронжон САТТОВ,
ЎЗА махсус мухбирлар,
М.АМИН, Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА)
олган суратлар

Андрис БЕРЗИНШ:

Ўзбекистонга ташрифимиз фоят самарали бўлди

Давлатимиз байроғи кўтарилади.

Олий мартабали меҳмон қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишуни Мирзо Улугбек расадхонасидан бошлади. Мазкур расадхона аждодларимизнинг буюк даҳоси, юртимиз илм-фаннинг чуқур илдизлари ва таракқиётдан далолат беради. Андрис Берзинш Мирзо Улугбекнинг ҳаёти ва илмий мероси билан таништирилди.

Латвия Президенти Амир Теmur ва Хўжа Дониёр макбараларини бориб кўрди. Олий мартабали меҳмонга ушбу обидаларнинг тарихи, Мовароуннахрда қадимий шаҳарозилик, илм-фан ва хунармандлик ривожига ҳақида маълумот берилди.

Андрис Берзинш Шарқ меъморчилигининг ноёб обидалари бўлган Регистон мажмуи ва Бибихоним масжидини катта қизиқиш билан томоша қилди. Бу муҳташам обидалар ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳияти, илм-фан ва маданият ривожига эътиборининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Латвия раҳбари Регистон мажмуида ташкил этилган латвиялик расом Валдис Бушс кўргазмасини кўздан кечирди.

Дунёда буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига хурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша юқори бўлган. Бунинг тасдиғини турли мамлакатларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадий асарлар яратилгани, улуг аждодларимиз хотирасига ёдгорликлар барпо этилганида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Латвияда ИБН Сино ва Мирзо Улугбекка ўрнатилган хайкаллар халқимиз тарихига чуқур ҳурмат ифода-сидир.

Андрис Берзинш Сиёб дехқон бозорида ҳам бўлди. Мамлакатимиз фаровонлиги рамзи бўлган сархил ноз-неъматлари, сотувчи ва харидорлар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги билан Юрмала шаҳар думаси ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди.

Латвия Президенти сафар якунида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Ўзбекистон Республикасига таширфимиз ҳар томонлама самарали бўлди, — деди Андрис Берзинш. — Делегациямиз аъзолари ўзбекистонлик шериклари билан аниқ масалаларни муҳокама қилиб,

ўзаро фойдали келишувларга эришди. Бу келишувлар ва имзаланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини беради. Хусусан, Юрмала билан Самарқанд ўртасида имзоланган ҳужжат нафақат бу икки шаҳар, балки мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлигини турли соҳаларда ривожлантиришга хизмат қилади.

Олий мартабали меҳмон Шарқ гавҳари Самарқанд шаҳрини яна бир бор кўриш бахтига муяссар бўлганидан мамнулигини билдирди. Самарқанднинг тарихий обидалари ўзбек халқининг бой маданияти ўтмиши, мумтоз меъморлик санъатининг юксак намунаси эканини эътироф этиб, истиқлол йилларида шаҳарда амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан ҳайратга тушганини таъкидлади.

Шу билан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиншнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Депутат учун

иккинчи даражали масаланинг ўзи йўқ

Давлатимиз байроғи кўтарилади.

Ушбу муҳим тадбирда маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижросини таъминлашда депутатлар ролини кучайтириш, депутатлик назоратининг барча шаклларида умумий фойдаланиш масалалари яна бир бор муҳокама этилди. Бу масала жорий сайловлар йилида айниқса, долзарб аҳамият касб этади. Негаки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ жорий йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи ақшанбасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Шунинг учун ҳам депутатларимизда электротар билан ишлашнинг замонавий усуллари, сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, оммавий ахборот воситаларида партиялараро қизгин баҳс-мунозараларга киришиш амалиёти хусусида мутахассислар, олимлар, экспертлар томонидан тегишли тавсиялар берилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти кенгаши раисининг ўринбосари Сурайё Мансуровнинг тадбирда таъкидлаганидек, депутатлик макомига эга бўлиш энг аввало, юксак масъулият, демакдир, Шу маънода ҳам фуқаролар ҳаётига дахлдор ҳар қандай масала де-

путат эътиборида бўлиши керак. Ҳар бир муножаат ортда бизга ишонч билдирган сайловчи турганлигини унутмаслигимиз керак. Лекин депутатларимиз, партия фаоллари айрим ҳудудларда мавжуд имкониятлардан етарлиқ фойдаланилмаётганини ҳам таъкидламоқдалар. Демак, ҳали сайловчи ишончини тўла оқлашми, дейишга жуда эрта.

Давра суҳбатиде давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 103 ва 117-моддаларига)ги қонун давлат босқувлари соҳасидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга экани, Ўзбекистоннинг қонун устуворлиги, амалдаги қучга эга ҳокимият ва қучли фуқаролик жамияти каби аънанавий устуналарга таянувчи ривожланган демократик мамлакатлар сафига қўшилишдек асосий стратегик мақсадга босқинча-босқинчи эришишида муҳим қадам экани қайд этилди ва қонун юзасидан кенгроқ маълумотлар берилди.

Тадбирда 2013 йили халқ депутатлари Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги «Адолат» партияси депутатлари томонидан 15 та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилган, депутатлик гуруҳлари томонидан ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир 10 га яқин эшитиш таш-

кил этилгани яна бир бор танқидий таҳлил этилди. Улар асосан тиббиёт, таълим, муҳобил энергия, касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича доимий иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган. Эшитувлар якунига кўра, партиянинг Сайловолди дастури талаблари ҳамда электротар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссияларига муҳокама этилган муаммолар, ечимини кутаётган масалаларга доир тақлифлар жуда кам киритилган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига эса атиги 12 та тақлиф киритилган. Улар асосан ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларининг муҳим масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш, амалдаги қонунлар, давлат дастурлари ижросини ўрганиш ҳамда сўровлар юборишга қаратилган. Давра суҳбатиде бу борадаги ишларни кучайтириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Очиқ мулоқотларда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Дилбар Умарова, Нурота туман кенгаши депутати Шухрат Вафоев, хатирчилик депутат М.Мавлонов депутатлик гуруҳлари фаолиятидаги ижобий омиллар қаторида айрим камчиликлар мавжудлигига эътибор қаратилди. Уларнинг айтишича, амалдаги қонунлар ижроси, тегишли давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан

хокимлар, уларнинг ўринбосарлари, ижро этувчи ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини нафақат сон, балки сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш керак.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай ҳисоботларни эшитиш кўпроқ умумий характерга эга бўлиб, қўрилаган масала бўйича кенгашнинг позицияси аниқ белгилаб олинмапти. Ҳар томонлама пухта ишлаб чиқибли, тавсия этилган дастур ва ҳужжатлар кам қабул қилинапти. Шунинг учун ҳам вакиллик ҳокимияти назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий механизмларидан марказда ва жойларда кенг фойдаланиш учун тегишли чоралар кўриш кераклиги таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, 2014 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар йили эканини инобатга олиб, депутатлик гуруҳларининг ўз сайловчиларини олдида ҳисобот беришларини ташкил этиш, Ўзбекистон «Адолат» СДП ғояларини кенг тарғиб қилишга устувор вазифа сифатида қараш лозим. Сайловларга барча даражадаги вакиллик органлари депутатлигига номзодлар, уларнинг ишонли вакиллари, партиянинг ваколатли қузуатувчиларини тизимли тайёрлаб боришнинг самарали механизмини шакллантириш ҳам давра суҳбатининг асосий мавзуларидан бири бўлди.

Садоқат ШАМСИЕВА



Сифатли тиббий хизмат: мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги масалаларга ечим

➤ Видео-конференция

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда «Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизими: бугунги ҳолати ва истиқболлари» мавзудаги видео-конференция ташкил этилди.

Унда депутатлар, вазирлик мутасаддилари, соҳа мутахассислари ҳамда партия фаоллари беёсита видео-кўприк орқали мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тиббий хизмат сифатини такомиллаштириш борасида жойлардаги ютуқ ва муаммоларни таҳлил этиб, уларнинг ечими юзасидан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашди.

Тадбир аввалида таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Ушбу мақсадда кенг қўлланма умумий дастурлар доирасида амалга оширилаётган илмий-таълим муассасаларида тиббий хизматлар билан таъминлаш сифати ошиб бораётгани мисолида янада яққол кўзга ташланмоқда.

Юртимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият эканлиги тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда, ҳудудларимизда барпо этилаётган замонавий тиббиёт масканлари фаолиятида, айниқса, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш сифати ошиб бораётгани мисолида янада яққол кўзга ташланмоқда.

Баъзи мамлакатларда, шу жумладан, айрим ривожланган давлатларда ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари, асосан шаҳарларда жойлашганлиги туфайли кишлоқ аҳолиси тиббий хизматлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келади. Мамлакатимизда яратилган миллий моделнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, энг чекка ҳудудда яшовчи аҳолига ҳам худди шаҳарлардаги каби бир хилда малакали тиббий ёрдам кўрсатиш назарда тутилган. Шунинг баробарида, таълим муассасаларида ҳам тиббиёт хоналарининг ташкил этилаётгани, тиббиёт ҳамшираси штати жорий қилинаётгани баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги муҳим қадам дейиш мумкин.

Видео-конференцияда алоҳида таъкидланганидек, Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2013 йил 2 октябрдаги «Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида тиббий хизматни такомиллаштириш тўғрисида»-ги қўшма қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан «Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларининг тарбияланувчи ва ўқувчиларига бир-

ламчи тиббий-санитария ва профилактик ёрдам кўрсатиш тўғрисида Низом» тасдиқланган. Қарорга асосан соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларига умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларига қабул қилинган шатт бирикларига асосида тиббиёт ходимларини ўрнатилган тартибда бириктириш, ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларнинг соғлигини назорат қилиш масалалари юқлатилган.

Ушбу идоравий ҳужжатнинг талабларига кўра, тиббий хоналарни ташкил этиш, уларни керакли жиҳоз ва тиббий асбоб-ускуналар, зарарсизлаштириш воситалари ҳамда дори-дармонлар билан таъминлаш вазифалари мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари зиммасига юқланган.

Конференция учун ушбу мавзунинг танлашидан мақсад ҳам аввало «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»-ги қонуннинг 19-моддасида келтирилган таълим муассасаларида тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишда ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир тақлифлар ишлаб чиқишга қаратилди.

Зухра БОТИРОВА, фракция аъзоси:

— Партиямиз сайловолди дастурида партия аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори эканлиги, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иш-тирокини янада кучайтиришни маълум қилган. Айни пайтда бу борадаги саяёҳаракатларни мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлашга йўналтириш белгилаб олинган.

Ушбу дастурий вазифаларимиз ижросини таъминлаш мақсадида «Шаҳар ва кишлоқда бир хил шароит» лойиҳасини ишлаб чиқдик. Лойиҳа доирасида «Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни тиббий хизмат билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш» мавзуда жойларда давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда профилактик

чора-тадбирларни янада кучайтириш, ўқувчи-ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, таълим муассасаларида болаларни малакали тиббий хизматлар билан таъминлаш масалалари ўрганилмоқда. Учраётган муаммо ва камчиликлар жамла-ниб, тақлифлар тайёрланмоқда.

Хусусан, лойиҳа доирасида Ромитон ва Жондор туманларида худудий партия ташкилотимиз фаоллари ҳамда маҳаллий Кенгашдаги депутатларимиз томонидан олиб борилган ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари Жондор туман Кенгаши сессиясига мазкур соҳадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан масала киритилди. Тайёрланган тақлифлар асосида қарор қабул қилинишига эришилди. Айни вақтда ушбу масала Ромитон туман кенгашидаги доимий комиссия томонидан ҳам ўрганилаётти.

Умуман, ушбу лойиҳа доирасида олиб борилган ишлар натижасида аниқланган камчиликлар ҳамда сийловчилардан тушаётган мурожаатлар асосида жойлардаги таълим муассасаларида болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш юзасидан фракциямиз бир қатор тақлифларни илгари сурган.

Хусусан, соҳага давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг мақсади сарфла-ниши устидан парламент ва депутатлик назоратини кучай-тириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида бола-ларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга маъсул бўлган шахсларнинг ҳисобдорлигини ошириш, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган соҳага доир идоравий норматив ҳужжатларни Адлия вазирли-гидан қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда келгусида соҳага оид қонунни ишлаб чиқиш каби ва-зифалар олдимизда долзарб бўлиб турибди.

Ижтимоий шерикчилик асо-сида бўлиб ўтган мазкур ви-део-конференция «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқиши бел-гиланган «Таълим тўғрисида»-ги қонуннинг янги тахририни тайёрлашда жойлардан теги-шли тақлифларни олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Абдуғани ХОЛБЕКОВ, Халқ таълими вазири ўрин-босари:

— «Соғлом бола йили» Дав-лат дастурига мувофиқ, барча даражадаги мактабгача таълим муассасалари қамровига ти-ббий-санитария хизматини кўрсатиш тартибини, шунинг-дек, штат нормативларини та-комиллаштириш, тиббиёт ҳам-шираси бўлмаган умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таъ-лим ва олий таълим муасса-саларида тиббиёт ҳамшираси штатини киритиш, барча мак-табгача таълим муассасалари

тиббий хоналарини ҳозирги замон талабида тўлиқ жиҳоз-лаш масалалари кўзда тутил-моқда.

Бугунги кунда Халқ таъли-ми тизимидаги жами 4962 та мактабгача таълим муассаса-ларидан барчасида тиббий хизмат хоналари ташкил этил-ган. Уларнинг аксарияти замо-навий тиббий анжомлар билан тўлиқ жиҳозланган. Мазкур му-ассасаларда тарбияланаётган 539 527 нафар болаларга 5030 нафар ўрта тиббиёт хо-димлари хизмат кўрсатишмоқ-да. 9739 та умумтаълим мак-табларида тахсил олаётган 4 458 162 нафар ўқувчига эса жами 16 476 нафар тиббиёт хо-дими тўғри келаётгани эъти-борга молик.

Мактабгача таълим муасса-салари ва умумтаълим мактаб-лари тарбияланувчилари ҳамда ўқувчилари ҳар ўқув йили давомида белгиланган меъёрлар асосида чуқурлаш-тирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб келинмоқда.

Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассаса-ларини тиббий жиҳозлар ва дори-дармонлар билан таъ-минлашга 2013 йилда давлат бюджетидан жами 2 млрд. 753 млн. 915 минг сўм маблаг сарфланган.

Аммо шунга қарамай, ушбу соҳада ечимини қутаётган му-аммолар ҳам йўқ эмас. Хусу-сан, айрим бориш қийин бўлган чекка ва тоғли худ-удлардаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ти-ббий хизматни йўлга қўйишда қийинчиликка дуч келинаётган бўлса, баъзи бир таълим му-ассасаларини керакли тиббий жиҳозлар, малакали мутахас-сислар билан таъминлашда ечимини қутаётган масалалар мавжуд.

Шу билан бирга, бугунги кунда Халқ таълими вазири-лиги ва Соғлиқни сақлаш вазир-лиги билан ҳамкорликда таълим муассасаларида тиббий хиз-матни тўғри ташкил этиш ва яхшилаш бўйича қўшма қарор қабул қилиш, мактабгача таъ-лим муассасаларида ишловчи ўрта махсус тиббиёт ходимла-рининг малакасини ошириш бўйича ўқув режа ишлаб чи-қиш ва улар учун методик қўлланмалар яратиш, тиббий кўрик натижалари асосида бо-лалар саломатлик гуруҳларига тасдиқланган ҳолда, ушбу гу-руҳларга мос бўлган даволаш-соғломлаштириш тадбирлари-ни ишлаб чиқиш зарур.

Видео-конференцияни бе-восита он-лайн ҳолда орқали қузатиб борган ҳудудлардаги соҳа мутасаддилари ҳамда партия фаоллари ҳам жойлар-даги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини юзасидан ўз тақлифларини билдириш им-кониятига эга бўлдилар. Ама-лий мулоқот асосида ўтган тадбир сўнггида билдирилган фикр-мулоҳазалар жамланиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тақлиф-тав-сиялар ишлаб чиқилди.

И.КОМИЛОВ

Янги қонун очиқлик ва ошкораликни таъминлайди

➤ Қонун кучга кирди

Мамлакатимизда демократик ислохот-ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси-да белгилаб берилган устувор йўналишлар доирасида бугун жамиятимизнинг турли жабҳаларини ислоҳ этишга қаратилган бир қатор қонунлар изчиллик билан бос-қичма-босқич қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Яқинда матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун ҳам бунинг амалий исботидир.

Алоҳида қайд этиш ўринли-ки, мазкур қонунни ишлаб чи-қиш жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қизгин иш-тирилди. Фракция-лараро тортишув ва баҳс-му-нозаралар қонунни такомил-ига етказишга хизмат қилди. Кенг қамровли мазмунга эга ушбу қонун 13 та бўлим, 118 та моддадан иборат бўлиб, унда бир неча муҳим йўналиш-лар бўйича қоида ва норма-лар ўз аксини топган.

Ушбу, ушбу қонун билан ак-циядорлик жамиятлари фаоли-ятига қандай ангилликлар та-тбиқ этилади ва у қандай нати-жалар беради?

Таъкидлаш жоизки, юрти-мизда мулкчиликнинг акция-дорлик шакли йўлга қўйилган-дан сўнг қисқа муддат ичи-да соҳа ривожланиши учун ке-рак бўлган шарт-шароитлар яратилди, акциядорлик жамия-тларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши соҳасида ҳуқуқий муносабат-ларни белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чи-қилди. Натижада бугунги кун-да мамлакатимизда акциядор-лик жамиятлари ва уларнинг акциядорлари сони жадал ўсиб бормоқда.

Кучга кирган янги тахрир-даги қонунда акциядорлик жа-миятларини ташкил этиш, ус-тав фондини шакллантириш, қимматли қоғозларнинг бозор қийматини аниқлаш, жамият-нинг акцияларини оммавий тақлиф этиш йўли билан жой-лаштиришга қаратилган қатор нормалар акс этган. Хусусан, акциядорлик жамиятларини шакллари (очик ва ёпиқ) аж-ратиш бекор қилиниб, акция-дорларнинг ҳуқуқлари ва қонун-ий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа акциядорлар томонидан соти-лаётган акцияларни акциядор-лик бўлган битимлар тўғриси-даги ахборотни ошкор қилиш-га доир талаблар белгилан-ган. Шунингдек, ушбу билан бир-га, қонунда акциядорлик жа-миятлари бошқарув органла-рининг ваколатлари, ҳуқуқла-ри ва жавобгарлиги қатъий белгиланган бўлибди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатга, шунингдек, инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шу жум-ладан, акциядор томонидан

ҳуқуқларнинг амалга оширили-ши бошқа акциядорлар ҳуқуқ-лари ва қонун билан қўриқла-надиган манфаатларини буз-маслиги лозимлиги тўғрисида-ги норманинг киритилганлиги акциядорларнинг жавобгарли-ги ва масъулиятини ошириш-га хизмат қилади. Қолаверса, янги тахрирдаги қонунда Ўзе-бекистон Республикасининг но-резидент акциядорлари то-монидан дивиденд ва мол-мулкни тугатиш қийматини олишдаги ҳуқуқлари аниқлаш-тирилганлиги мамлаката-миздаги акциядорлик жамият-лари фаолиятига чет эл инве-стицияларини янада кенгрок жалб қилиш имкониятини яра-тади ҳамда уларнинг ҳуқуқ-ларини кафолатлайди.

Қонундаги энг муҳим инсти-туционал янгиллик унда мино-ритар акциядорларнинг ҳуқуқ-лари ва қонуний манфаатла-рини ҳимоя қилиш мақсадида акциядорлик жамиятида мино-ритар акциядорлар қўмитаси ташкил этилиши белгиланган-дир. Бундай қўмитага мино-ритар акциядорларнинг муро-жаатларини кўриб чиқиш, йи-рик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар ту-зишга боғлиқ масалалар бўй-ча тақлифлар тайёрлашда иш-тирок этиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли дав-лат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаат-ларни киритиш ваколатлари белгиланган.

Шунингдек, янги тахрирдаги қонунда жамиятнинг акциядор-ларга ахборот тақдим этиши, жамиятнинг аффилиланган шах-слари тўғрисидаги ахборот, жа-мий тўғрисида ахборот каби алоҳида моддалар киритилди. Республикаимизда замонавий ахборот-коммуникация техноло-гияларидан кенг фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсатини ҳисобга олиб, акциядорлик жамиятида расмий электрон почта бўлиши талаби назарда тутилди.

Бошқа янгилликлар ораси-дан тузилишдан манфаатдор-лик бўлган битимлар тўғриси-даги ахборотни ошкор қилиш-га доир талаблар белгилан-ган ҳамда мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан бундай битимларни олдиндан ўрга-ниб, қузатув кенгаши ёки ак-циядорларнинг талаби бўй-ича тегишли хулосаларни тақ-дим этган ҳолда акциядорлик жамиятлари томонидан би-тимлар тузиш шаффофлиги-ни оширишнинг ҳуқуқий жи-



Абдурафиқ АХДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

хатдан таъминланишини қайд этиш мумкин.

Акциядорлик жамияти фао-лиятининг очиқ ва ошкорали-гини таъминлаш, акциядорлар ва потенциал инвесторларнинг акциядорлик жамияти фаоли-яти тўғрисида ахборот олиши учун кенг имконият яратиш мақсадида акциялари фонд биржасининг листингига киритилган акциядорлик жамияти фонд биржасининг расмий веб-сайтида жамият устави-нинг матнини, шу жумладан, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, шунингдек, ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа ахборотни (шу жумладан, қимматли қоғозлар бўйича ҳисоботни) қонун ҳуж-жатларида белгиланган тар-тибда эълон қилиши шартли-гини кўзда тутувчи меъёрлар киритилган.

Умуман, қонунда қатор ян-гилликлар кўзда тутилган бў-либ, уларнинг ҳаёtgа татбиқ этилиши мамлакатимиз икти-содиётида инвестицион ва ин-новацион лойиҳаларни амал-га оширишда кенг қўлланла-диган банк кредитлари билан бир қаторда, қимматли қоғоз-лар чиқариш йўли билан аҳолининг бўш пул маблағла-рини самарали йўналтириш орқали акциядорлик жамият-лари мавқеини янада ошириш учун зарур шарт-шароит яра-тишга хизмат қилади.

Янги тахрирдаги қонуннинг биз учун аҳамияти томони-нда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сайловолди дастуридаги бош-қарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлиқни таъминлаш тамойиллари ўзининг тўла ак-сини топди. Бу жараёнда фракциямиз аъзоларининг асосли тақлифлари инобатга олинди.

Муҳтасар айтганда, мазкур қонун мамлакатимизда бозор муносабатларини янада демок-ратлаштириш, акциядорлик жа-миятлари фаолиятини либерал-лаштириш, корпоратив бош-қарув тизимини такомиллашти-риш, ўрта синф мулкдорлари-нинг иқтисодиётимиздаги сал-моғи ва аҳамиятини ҳар қачон-гидан ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини ях-шилаш, молия бозорини рақо-батни янада чуқурлаштириш, акциядорлар ҳуқуқларини сама-рали ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорларга солиқ солишнинг асосий ҳусусиятлари

➤ Солиқ почтасидан

Мамлакатимизда ҳусусий сектор жадал ривожла-нишига жиддий эътибор қаратилиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Рес-публикаси Солиқ кодексига асосан яқка тартибда-ги тадбиркорларга соддалаштирилган тартибда солиқ солинади.

Яқка тартибдаги тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 я-нвардаги 6-сонли қарори билан тадбиркорлар «Хусусий тадбиркор-лар юридик шахс ташкил этмас-дан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати»даги фа-олият турларини амалга ошириш-лари лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг 2005 йил 28 мартдаги «Халқ бадийи ҳунар-мандчиликлари ва амалий санъ-атини янада ривожлантириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармо-ни билан тасдиқланган ҳунарманд-чиликнинг асосий 25 та фаолият турлари рўйхати тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг 2010 йил 30 мартда-ги «Халқ бадийи ҳунармандчили-ги ва амалий санъатини ривожлан-тириши янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»-ги Фармони асосан «Хунарманд» уюшмаси аъзолари бўлган яқка тартибдаги тадбир-корлар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган.

Ушбу солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги фармони асосан 2017 йилнинг 1 январига-ча узайтирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги «Ўзбекистон

Республикасида 2012-2016 йил-ларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғриси-даги қарорига асосан 2012 йил-нинг II қоригидан бошлаб, кишлоқ жойлардаги маҳаллар ҳудудиди-да маъшият хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тад-биркорлар (сартарошлар, тикувчи-лар, пойабзал, маъшият техника таъмирлаш бўйича усталар ва бош-қалар) 3 йил муддатга ҳамда кишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жой қурилиш асосида барпо этилаётган массивларда қирхона хизматларини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар 5 йил муддатга қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган.

Қатъий белгиланган солиқ став-калари йил бошига — 2014 йил 1 январига белгиланган энг кам иш ҳақидан (96105 сўм) келиб чиқи-б қилинади ва энг кам иш ҳақи микдори йил давомида ўзгарган-да қайта қўриб чиқилмайди.

Э.УСМОНОВ,
Мирзо Улуғбек туман ДСИ
бошлиғи ўринбосари

Электорат манфаатларига доир масалалар депутат ва сайловчилар учрашувида муҳим ўрин тутмоқда

➤ Сайловчилар билан юзма-юз

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ депутатлар ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашмоқдалар. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам учрашуларда партия электорати вакиллари билан кечаётган очиқ мулоқот ва қизғин савол-жавоблар давомида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган муҳим воқеалар, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти ва айни вақтда муҳокамадаги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини тарғиб этишмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни оммавий ахборот воситаларига берган интервьюси ҳамда Самарқандда ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузаларида баён этилган фикрлар хусусида ҳам сайловчиларга кенгрок маълумотлар беришга эътибор қаратишмоқда.

Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида бел-

гиланган чора-тадбирларнинг жойлардаги ижроси доирасида мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг ҳолати ва истиқболлари атрофида ўрганилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Қодир Жўраев Вобкент тумани ва Бухоро шаҳрида бўлиб, сайловчилар, партия электорати вакиллари билан мулоқотда бўлди. Учрашуларда минтақамизда хавфсизлик

ва барқарорликни сақлаш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви ва дунё давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларига доир сўнгги янгиликлар хусусида жамоатчиликка кенг маълумотлар берилди.

Хусусан, депутат Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган суҳбатда кўтарилган масалаларга эътибор қаратди.

— Президентимиз фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳукми сураётган давлатда, жамиятда фаровон ва бахтли ҳаёт кечириш мумкин, энг эзгу орзу-мақсадларга етиш мумкин эканлигини алоҳида таъкидладилар, — деди Қ.Жўраев вобкентлик сайловчилар билан учрашувда. — Фарзандларимизни бугунги тинч, осуда ҳаётимизнинг қадрига етишга ундаш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, ҳозирги таҳликали замонда барчамиз доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз зарурлигини ўқитдилар. Шунингдек, давлатимиз раҳбари «The world justice project» халқаро ташкилотининг йиллик маърузасида жаҳон миқёсида қонун устуворлиги, ҳуқуқ тартиботи ва хавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон 5 етакчи мамлакат қаторидан ўрин олганлигини мамнуният билан баён қилдилар. Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз томонидан билдирилган юқори-

даги фикрларнинг мазмун-моҳиятини, Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатини ёшлар орасида чуқур тарғиб қилиш ўз олдида қонун устуворлигига эришиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояларга содиқлик руҳида тарбиялашни мақсад қилган партиямиз ва фракциямизнинг устувор вазифасидир.

Шунингдек, сайловчилар билан учрашулар чоғида депутат томонидан давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикаси раиси билан учрашув ўтказиш ҳамда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг IV саммитида иштирок этиш учун Шанхайга ташрифи ва унинг доирасида олиб борилган музокаралар, саммит доирасидаги маърузаси мазмуни ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Раъно Гаимова Қизилқорғон ва Жарқорғон туманларидаги маҳаллалар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талабалар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ўтказган учрашуларидан парламентда қабул қилинган қонунлар ва кўрилатган масалалар хусусида сўз юритди. Хусусан, сайловчиларни яқинда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг мақсади билан яқиндан таништирди.

— Қонун энг аввало фуқа-

роларнинг ахборотга нисбатан конституциявий ҳуқуқларининг таъминланишига, яъни аҳолининг барча қатламлари учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсати ҳақида тўлиқ хабардорлигини таъминлашга хизмат қилади, — деди нотик. — Партиямиз дастурий ғояларига тўла ҳамоҳанг бўлган мазкур қонун эндиликда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида фуқароларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ўзини қизиқтирган масалалар юзасидан муножот қилиш эркинлиги ва унга жавоб олиш кафолатларини мустаҳкамлагани, бошқарувда очиқлик, ошқоралик ва ҳисобдорлик таъминланиши мустаҳкамлагани билан аҳамиятлидир.

Учрашуларда депутат айни пайтда кенг муҳокамада бўлган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мақсади ҳақида ҳам электорат вакилларига маълумот берди. Унинг қабул қилиниши демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, манзилли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, мамлакатни ривожлантиришнинг долзарб ижтимоий,

иқтисодий масалаларини ҳал этишга кенг аҳоли вакиллари-ни жалб этишга хизмат қилиши билан «Адолат» партияси дастурий ғояларига тўла мос келишини таъкидлади.

Депутат учрашулар пайтида сайловчилардан тушган таклиф ва мулоҳазаларга ўз муносабатини билдирди, кўп-лаб саволларга жавоб берди, кўтарилган масалаларни депутатлик ваколатлари доирасида ҳал этиш учун тегишли вазифаларни белгилаб олди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари Ойша Охунова ҳамда Анвар Сулаймонов Наманган шаҳри ва туманида сайловчилар билан мулоқотларда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) — «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Акцидорлик жамиятлари ва акцидорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қонунларнинг мазмун-моҳиятини, оддий фуқаролар учун аҳамиятини кенг тушутирдилар.

Жондор, Ромитон туманларида сайловчилар билан учрашган депутат Зухра Ботирова «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг жойлардаги ижроси ҳамда дастур доирасида партия томонидан

ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг амалий натижалари билан қизиқди. Жумладан, депутат жойларда партиянинг «Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит» лойиҳаси доирасида мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларда тиббий хизматни йўлга қўйишнинг ҳолати устидан назорат-таҳлил ишларини олиб борди. Бу борада аввалги учрашуларда маҳаллий ижроия органлари ва мутасадди ташкилотларга киритилган таклифлар ижроси ўрганилди.

Шунингдек, фракция аъзолари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг йиғилишида ҳам иштирок этиб, электорат манфаатига хос масалаларни ечишда партия гуруҳлари аъзоларининг фаолигини янада оширишга қаратилган таклиф-таъсияларини бердилар.

Сайловчиларнинг депутатлар томонидан кўтарилган ҳар бир масалага қизиқиши, мамлакатимиз тараққиёти билан боғлиқ саволларни ўртага ташлаётгани юртдошларимизнинг дахлдорлик ҳисси ортиб бораётганини, уларнинг ҳаётга, воқеликка муносабати тубдан ўзгарганини кўрсатади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Илёс САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — бурчимиз

➤ Ёш адолатчилар

Иқтидорли, ташаббускор, интилувчан, мустақил фикрга эга ёшларни Ўзбекистон «Адолат» СДП сафига жалб қилишда партия ташаббуси билан ўтказилаётган турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, сиёсий ўқишлар, кўрик-танловлар муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу тадбирларда иқтидорли эндигина намоён бўлаётган, сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаган, парламент ва унинг қонун ижодкорлиги фаолияти, партияларнинг мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли ва ўрнига бевосита қизиқувчан ёшлар кашф этилаёпти.



— Ёш адолатчилар қаноти сафига ватанпарвар, шижоаткор, фидойи ёшларнинг кўпчилиги партиямиз келажагига ишончни мустаҳкамлайди, — деди Тошкент вилояти партия кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти раиси У.Шоумаров. — Шу билан бирга, Юртбошимизнинг ҳар бир қишлоқларида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиши, уларнинг келажаги борасида муҳим вазифалар белгилаб берилиши ҳам партиямиз зиммасига катта масъулият юклайди. Яъни, энг аввало ёшларнинг қонун устуворлиги нотиқлик маҳорати, қонун ижодкорлигидаги фаол иштироки ҳамда «Ёш адолатчилар» қаноти фаолларининг тажрибалари мени партияга аъзо бўлишга ундади. Партиянинг йирик тадбирлари, тарғибот ишлари, ёшлар Конференциясида кўплаб иқтидорли сафдошларим билан тажриба алмашдим. Натижада, партияга янада кўпроқ ёшларни жалб қилиш мақсадида биз жорий йил парламентга сайловлар ўтказилишини инобатга олиб, «Мен депутат бўлсам» кўрик-танлови лойиҳасини ишлаб чиқдик. Ушбу лойиҳадан мақсад ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимларини ошириш, уларда нотиқлик маҳоратини шакллантириш, келажақда халқ манфаатига хизмат қилувчи қонунлар яратадиган депутатларни тайёрлашни кўзладик.

Шундай ёшлардан бири оққўрғонлик Муроджон Масалиев ўзининг тиришқоқлиги, интилувчанлиги, билимга чанқоқлиги, турли фанларга бўлган қизиқиши туфайли мактаб давридан тенгдошлари орасида кўпгина ютуқларни қўлга киритган. У мактаблараро физика фани олимпиадаларида кўп бора фахрли ўринларни қўлга киритган. Бундан ташқари, Муроджон Оққўрғон туманидаги Агротехно ва тадбиркорлик касб-хўнаар коллежида тахсил олиш даврида иқтисодиёт билим асослари фанидан Республика олимпиадасида иштирок этиб фахрли ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, 2008 йил «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-

кичида 1-ўринни қўлга киритди. 2010 йил «Ҳуқуқ билимдонлари» кўрик-танловида жамоада сардорлик қилиб, республика босқичида фахрли ўринга сазовор бўлди.

Мустақиллик тенгдоши бўлган қаҳрамонимиз ҳозирги кунда Тошкент давлат аграр университетининг 2-босқич талабаси бўлиб, таълим давомида фанларни аъло баҳога ўзлаштириш баробарида турли кўрик-танловларда иштирок этиб келмоқда. Хусусан, ўтган йили «Ҳуқуқшунослик ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» фанидан олимпиадада иштирок этиб, фахрли ўринни қўлга киритди.

— Мактаб ва коллеж ўқувчилари ўртасида ўтказилган

...биз жорий йил парламентга сайловлар ўтказилишини инобатга олиб, «Мен депутат бўлсам» кўрик-танлови лойиҳасини ишлаб чиқдик. Ушбу лойиҳадан мақсад ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимларини ошириш, уларда нотиқлик маҳоратини шакллантириш, келажақда халқ манфаатига хизмат қилувчи қонунлар яратадиган депутатларни тайёрлашни кўзладик.

фан олимпиадаларидаги иштироким дунёқарашимни боғлашга, ўз устимда ишлашга, тенгдошларим билан фикр алмашишга, қолаверса, би-

Мухтасар айтганда, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, партия фаоллари ёшларни улғу мақсадлар, амалий ишлар сари ундаб, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, турли лойиҳаларини амалга оширишда туртки бериш зарур. Ана шундангина ёшларимиз биздан кўра билимли, доно ва албатта бахтли бўлишига эришамиз.


Азиза ҚУРБОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилояти кенгаши
мотбуот котиби

➤ Ташаббус

Кейинги йилларда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-хўнаар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари яратишда кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари ҳам ташаббус билан чиқиб, иш юритаётгани ибратли.

Партиянинг Булоқбоши туман кенгаши сафигаги 12 нафар партиядошимиз меҳнат қилаётган «Фаррух-Фарҳод текстиль» МЧЖ ана шундай жамоалардан. 2013 йилда ташкил этилган ушбу корхонада айни кунда касб-хўнаар коллежи битирувчиларидан 18 нафари ишлаяпти.

— Мен иш жараёнида тажрибали устозлардан тикучилик сирларини ўрганиб бориб,



бугун ўзим ҳам уларнинг қаторига қўшилганимдан хурсандман, — дейди тумандаги Иқтисодиёт ва енгил саноат касб-хўнаар коллежини битирган «Ёш адолатчилар» қаноти фаоли Гулнора Абдумуталипова.

Корхона асосан тайёр газлама ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Дастлаб 10 нафар ишчи билан ўз фаолиятини бошлаган жамоада қисқа вақт



Коллеж битирувчилари учун иш ўринлари

ичида ишловчилар сони 30 нафарга етди. Ҳар бири ўз касбининг устаси. Юқори сифат ва янгилик уларнинг бош шiori. Айниқса, Илмхон Мухаммадзонова ва Гулнора Соли-

бўляпти.

— Махсулот сифати ва рақобатбардорлиги кўп жиҳатдан хомашёга боғлиқ, — дейди корхона раҳбари, тадбиркор Эгамберди Собиров. — Шунинг назарда тутиб, 2014 йилда янги русумдаги 2 та тўқув дастгоҳи сотиб олди. Бу билан ўзимизда хомашё тайёрлаш тўла йўлга қўйилиб, яна 3 та қўшимча иш ўрни яратилди. Йилига 150 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқариб, унинг асосий қисmini экспортга йўналтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида айтиб ўтмоқ лозим. Чевар партиядошларимиз аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб боришда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Қумгузар қишлоғидаги БПТ фаолиятининг жонлиги ва хайрихоҳларимиз сафининг кенгайишида уларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Асосан булоқбошлик ёшлар меҳнат қилаётган мазкур корхонадаги қайноқ ҳаёт ва яратилган қўлай шарт-шароитлар иш суръати ва махсулот сифатининг ошишини таъминлаяпти.

Суратла: тикуччи Гулҳаё Боймурзаева ва механик Жаҳонгир Фозилов.

Чеварлар томонидан эркаклар ва болалар учун замонавий дизайн ва юқори сифат билан тайёрланаётган ички кийимлар эътиборини тортади. Шунинг учун ҳам махсулотлар ўз харидорини жуда тез топмоқда. Бозор талабини келиб чиқиб, иш юрити-лаётгани ютуқлар гарови

Акбаржон НАЗАРОВ

Худудий партия ташкилотларида

Катта мақсадлар учун

катта масъулият керак

➤ БПТ — партия таянчи

Қарши шаҳридаги 1-сонли вилоят шифохонасида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти аъзолари Ўзбекистон “Адолат” СДП дастурий гоя ва мақсадларини кенг тарғиб этиб, кўп сонли шаҳар саломатлик посбонларининг назарига тушишди. Бундан уч йил муқаддам 10 нафар аъзо билан ўз фаолиятини бошлаган БПТ таркиби бүгунга келиб 50 нафардан ошди. Сиёсий куч сафига қўшилмоқчи бўлган хайрихоҳлар эса 100 нафардан зиёд. Куйи ташкилот аъзолари партиянинг мақсад ва вазифаларини аҳоли, айниқса, жамоадошлари ўртасида кенг тарғиб қилиб, “Адолат” СДП аъзолари ва хайрихоҳлари сафини тобора кенгайтириб боришмоқда.

— Кейинги пайтда партия-миз сафларига кўплаб ёшлар кириб келмоқда, — дейди БПТ раиси Чарос Элибоева. — Бу қувонарли ҳол, албатта. Лекин биз фаоллар уларни фикрловчи, “Адолат” партияси гояларини кадрловчи инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун энг аввало, ҳар биримиз ўз зимманимизга юклатилган топшириққа ўта масъулият билан қараб, ташкилотчилик қобилиятимизни намойиш этишимиз, жонқуяр ва фидойи ёшларимизни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашимиз, уларга керакли шарт-шароитларни яратиб беришимиз зарур. Чунки бизнинг эртанги кунимиз айнан ана шу ёшлардир. Ана шу мақсадда куйи ташкилотимиз аъзолари учун тизимли равишда ҳар ўн кунда бир мараба вилоят партия кенгаши, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда мутахассислар билан ҳамкорликда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган янгилıklar ва қонунчилигимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида сиёсий ўқувлар ўтказишни йўлга қўйганмиз. Бу эса электоратнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, партиямиз гояларини тарғиб этишда қўл келмоқда.

Масалан, яқинда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун тарғиботида бағишланган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги — фуқаролик жамияти-

нинг пойдевори” мавзусида семинар ташкил этилди. Семинарда қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида самарали тарғиб қилишда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш, шу орқали аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, электорат вакилларининг ўзларини қийнаётган муаммолар бўйича давлат органларига мурожаат этишларининг қонуний асосларини тушунтириб бериш масалалари юзасидан сўз юритилди.

Президентимиз томонидан илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар ва янгиланиш жараёнлари ҳар томонлама сарҳисоб қилиниб, ислохотларни янги босқичга кўтариш борасидаги асосий устувор йўналишлар белгилан берилган эди. Ушбу концепция асосида ишлаб чиқилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим кафолатларидан биридир. Ҳар бир қонуннинг жамият тараққиётида ўзига хос ўрни бўлади. Мазкур қонун эса айнан Ўзбекистон “Адолат” СДП учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Айтиш жоизки, унинг қабул қилиниши партиямиз дастурий мақсадлари, электорат манфаатларига тўла мос



келади. Унда фуқаролар ўзларини ўйлантираётган муаммолар ечими борасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига эркин мурожаат қилишлари мумкинлиги, олинадиган маълумотлар тури ва тартиби қонунда содда ва аниқ қилиб белгилан қўйилганлиги, нафақат озғакчи ёки ёзма, балки электрон тарзда сўровлар бериш мумкинлиги ҳам қайд этилган. Бу эса фуқароларга турли идораларга махсус бориб ўтирмасдан, ўз сўровларини электрон кўринишда жўнатиш имкониятини яратиши билан алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Бундан ташқари, шу кунларда БПТ фаоллари ташаббуси билан “Қамолат” ЕИХ ҳамкорлигида шаҳар худудидаги “Беклар”, “Ўзбекистон”, “Шодлик”, “Истиқлол” МФЙларида “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида бир қатор тадбирлар уюштирилапти. Хусусан, юқумли касалликларнинг олдини олиш учун қатор ўқув масканларининг 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган ўғил-қизларига йил охиригача бепул дори-дармон тарқатиш режаси ишлаб чиқилган. БПТ фаолларининг саъй-ҳаракати билан айни кунда ушбу режа ҳам жойларда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мақсад эса ягона — жамиятимизда

маънан етук, жисмонан соғлом авлодни қамол топтиришга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Қарши тиббиёт коллежида “Спортга эътибор ёшларимизнинг соғлом ва баркамол вояга етишларида муҳим ўрин тутади”, Олимпия захиралари спорт коллежида эса “Ҳуқуқ — менинг ҳамроҳим”, Ахборот технологиялари коллежида “Бош мақсад — аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш”, Қосон туманидаги “Некюз”, Ғузор туманидаги “Қоратикан” МФЙларида “БПТ бандлики таъминлашга қўмаклашмоқда”, “Соғлом бола — миллат келажиги” каби мавзуларда ташкил этилаётган учрашув, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ҳам фуқароларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Партиянинг ўз олдида қўйган мақсад ва вазифалари тўла-тўқис адо этилиши кўп жиҳатдан аъзоларнинг ҳар бири ўз бурчини чуқур англаши, ижтимоий-сиёсий фаоллигига боглик. Ана шундагина партиянинг таъсир кучи юқори бўлади.

— Бошланғич ташкилотимиз томонидан кўтарилаётган ҳар бир ташаббус аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилаёттир, — дейди қасалхона бош шифокори Ғайрат Муродов. — Ўқтам Бозоров, Гулсал Саломова, Чарос



Элибоева, Хуршида Пардаева, Раъно Долиева сингари фаолларимизнинг жонбозлиги, саъй-ҳаракати туфайли “Равок” маҳалласида озик-овқат дўкони, сартарошхона, пойбзал таъмирлаш устaxonаси, компьютер клуби, пайнет шохбчалари ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Бунинг эвазига эса шу йилнинг охиригача 20 нафар ёшларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Ҳа, БПТ аъзолари партиянинг Қарши шаҳар кенгаши билан ҳамжиҳатликда фаолият олиб бориб, ёшларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида маҳаллаларда қасаначиликни кенг йўлга қўйиш ҳамда хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Умуман, Қарши шаҳрида “Адолат” СДПнинг бу каби бошланғич ташкилотлари кўп. Улар ўз ташаббуслари, энг муҳими бажараётган амалий ишлари билан сафдошларига қамарбаста бўлишяпти. Партия сафини ҳар томонлама билимдон, сиёсий жиҳатдан етук, зукко кадрлар билан кенгайтиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Қомил САХАТОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Қашқадарё вилояти кенгаши
матбуот котиби



Ўзбекистон «Адолат»
СДП хабарлари

Фарғона шаҳридаги “Аҳмад ал-Фарғоний” номли истироҳат боғида “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон “Адолат” СДП Фарғона шаҳар кенгаши ва шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида “Оилада соғлом турмуш тарзини яратиш — қомил инсонни шакллантиришнинг муҳим омили” мавзусида тадбир ташкил этилди.

Унда партиянинг фаол хотин-қизлари ва ёшлари иштирокида “Марш-марафон” ва “Ораста қизлар” тўғраги фаолиятига доир кўргазма ташкил этилди.

Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, ёшлар ва ўсмирларнинг тиббий саводхонлик даражасини ошириш, репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантиришнинг асосларини амалий равишда тушунтиришдан иборат бўлди.

Марш-марафонда эса Фарғона шаҳрида фаолият олиб бораётган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, “Оила” илмий-амалий маркази, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, шаҳар маданият уйи, халқаро “Қизил ярим ой” жамияти, “Фарғона-Азот” ОАЖ, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, шаҳар халқ таълими бўлими, тиббиёт бирлашмаси, вилоятдаги коллеж ва академик лицейлар ходимлари, олий ўқув юртлари талабалари фаол иштирок этишди.

Қамол ИСРОИЛОВА

Термиз давлат университети Сурхондарё вилоятидаги ягона олий таълим даргоҳи ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу таълим муассасида 8 та йўналиш бўйича талабалар тахсил олишади. Мазкур олий даргоҳнинг битирувчилари яна санокли кунлардан сўнг мутахассисликлари бўйича дипломга эга бўлишади.

Албатта, уларнинг келгусида касбий билим ва кўникмаларини ошириш, қолаверса, мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш борасида ҳам амалий чора-тадбирлар белгиланган. Униб-ўсиб келаётган, қуч-қувватга тўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда Сурхондарё вилоят Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси кўмағида Термиз давлат университети битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган “Мехнат ярмаркаси” ташкил этилди. Унда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сурхондарё вилояти кенгаши фаоллари ҳам иштирок этиб, ёшларимизга меҳнат қонунчилигига оид қабул қилинган янги қонунлар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берди.

— Битирувчи-талабалар учун ташкил этилган “Мехнат ярмаркаси” орқали мен нафақат янги иш ўринлари, балки меҳнат қонунчилигига оид билим ва кўникмаларини ҳам оширишга эришдим, — деди ТерДУ талабаси Байрам Ғафоров.

— Мен ҳам яқинда тенгдошларим сингари ўз танлаган мутахассислигим бўйича олийгоҳни тамомлайман. Шу кунга қадар бирор жойда иш фаолиятимни давом эттириш учун аниқ тавсия ва таклифга эга эмас эдим. Бугунги ўтказилган “Мехнат ярмаркаси”да иш танлашга оид аниқ таклиф, тавсия ва ҳуқуқий маслаҳатга эга бўлдим, — деди ТерДУ талабаси Бунёд Омонов.

“Мехнат ярмаркаси” ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, танлаган соҳалари бўйича иш фаолиятларини давом эттиришлари учун доимий равишда ҳуқуқий кўмак бериш имконияти борлигини кўрсатди.

Райҳон ЖУМАЕВА

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан “Ёш одолатчилар” қаноти фаолларининг партия дастурий мақсадларини тарғиб қилишдаги роли” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Нукус давлат педагогика институти талаба-ёшлари билан ўтказилган ушбу тадбирда партия фаоллари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлини маси етакчи мутахассислари талаба-ёшларга сиёсий партия сафида туриб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этишнинг аҳамияти, жорий йил охирида бўлиб ўтадиган олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар жараёнида “Ёш одолатчилар” қаноти фаолларининг вазифалари, энг бебаҳо бойлик саналган тинчлик ва тотувликнинг қадр-қиммати ва огоҳлик каби масалаларга эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгаши “Ёш одолатчилар” қаноти раиси Ажинияз Пахратдинов мамлакатимизда “Қучли давлатдан қучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимларини юксалтириш, ушбу жараёнда фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан ҳисобланган сиёсий партияларнинг иштироки, ёшларнинг сиёсий партия фаолиятига бўлган муносабатларини шакллантиришда аҳамият қаратилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар тўғрисида атрафлиқча тўхталиб ўтди.

— Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этаётганлигини ҳисобга олсак, ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизнинг бугунги тараққиётида илмга интилувчан, изланувчанлик билан янги инновацион технологияларни тез ўзлаштири оладиган ақл-заковатли ёшларимизнинг улушлари катта эканлигини тан олашимиз ва кадрларимиз, — деди халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати У.Салиев. — Партияимизнинг ёшлар масаласида олдида қўйган вазифаларидан бири ҳам айнан шундай иқтидорли ёшларни қашф этиш ва қўллаб-қувватлаш, уларни улугвор мақсадлар сари ундашдир.

Қизгин баҳс-мунозара ва амалий мулоқотларга бой бўлган тадбир якунида партия аъзоллигига қабул қилинган бир гуруҳ талабаларга аъзолик билетлари топширилди.

Иқбол НОШИРОВА

Шарипа ТОРЕШЕВА

Қуйи бўйинлар

эътибордан четда қолмайди

➤ Сиёсий ўқув

Ўргач шаҳрида ташкил этилган халқ депутатлари Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳлари самарадорлигини янада оширишга боғишланган ўқув-семинар иштирокчилари вилоятда бошланғич партия ташкилотлари фаолияти талаб даражасида эмаслигини таъкидладилар.

Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги ишлар юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бу жараёнда эса сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юкланмоқда.

Юқори малакали мутахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар манфаатини ҳимоя қилаётган

сессияларига эса битта масала киритилди.

Депутатлар гуруҳи фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган навбатдаги машғулотда эса депутатлар ишини янада қучайтириш, партия дастурида белгилан олган вазифалар асосида худудий дастурлар ижросини қатъий назоратга олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аммо, семинарда шундай муҳим тадбирларни сиёсий кучнинг юқори ва ўрта бўғинларида ташкил этиш билан чекланиб қолмаяпмизми, деган ҳақли савол ўртага ташланди. Бу шубҳасиз кўпчилик иштирокчилар эътиборини тортди. Чунки жойларда ташкил этилаётган тадбирларга жиддий эътибор қаратсак, тажрибали сиёсатшунослар иштирокидаги машғулотлар асосан вилоят ёки шаҳар ва туман марказларида ўтаётганига ғувоҳ бўлиш мумкин. Партиянинг асосий бўғини саналган бошланғич ташкилотларда ҳам ана шундай долзарб масалаларни муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўғри, айрим бошланғич

партия ташкилотларида партиянинг туман ва шаҳар кенгаши ташаббуси билан учрашув, суҳбат ва бошқа тадбирлар, турли ўқувлар ўтказилаёттир. Аммо сиёсий партиялар ўртасида рақобат қучайиб бораётган ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси вакиллари бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, бу ердаги партия аъзоларини жамиятда юз бераётган жараёнлардан тўлароқ хабардор қилсалар, улар фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан зарурий таклифларни билдирсалар фойдадан холи бўлмас эди. Бир сўз билан айтганда, бугунги тараққиёт ва қучли рақобат партиянинг қуйи бўғинларига алоҳида эътибор қаратишни, улар билан тез-тез мулоқот қилишни талаб этмоқда.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган ўқув-семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати У.Жуманиёзов, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси бўлим мудир У.Расулов сўзга

Европа сиёсий ҳудудиди

➤ "Adolat" шарҳи

22-25 май кунлари Европа парламентида ўтказилган сайлов натижалари Европа Иттифоқи интеграцияси мустақамлалиши тарафдори саналган кучлар учун қутилмаган ҳол бўлди. Зеро, якунларга қаралса, Европа бирлигига кўп ҳам мойил бўлмаган миллатчи партияларнинг мавқеи кучайгани сезилади. Сайловлар орқали Европарламентнинг кейинги беш йил мобайнида фаолият олиб борадиган депутатлари таркиби аниқланмоқда.

ЕИ даги аксарият мамлакатлар ҳукуматлари учун энг ҳайратланарлиси бу Франция ва Буюк Британиядаги сайловлар натижалари бўлди. Францияда Марин Ле Пен бошчилигидаги радикал «Миллий фронт» партияси 25 фоизлик кўрсаткич билан ягона пешқадамга айланди. Буюк Британияда қиролликнинг ЕИдан чиқиши тарафдори бўлган Бирлашган қиролликнинг Мустақиллик партияси сайловда ғалаба қозонди. Хатто Финляндияда ҳам миллатчилар мавқеи кучайди.

Европарламентнинг сўнгги таркиби яқин бир неча ҳафталар ичида маълум бўлди, аммо парламент барибир Европанинг турли мамлакатларидаги асосий партияларни назорати остида қолади. Бирок дастлабки натижалар ЕИ интеграциясига қарши сиёсий кучларнинг янги блок тузилишига ва бу уларнинг парламентда расмий мақом олишларига имкон беришини англатади. Блок шакллантириш учун эса еттига мамлакатнинг 25 нафардан кам бўлмаган аъзолари яқдиллиги кифоя қилади.

2008 йилда бошланган молиявий инқироздан кейин меҳнатга лаёқатли аҳолининг 12 фоизи ишсиз қолаётти, иқтисодий кўрсаткичлар ҳам жуда паст. Бундай шароитда ЕИ ва унинг ҳукуматиға нисбатан ишончсизлик тобора ошиб бораётгани айтилмоқда. Сармоядорлар эса анчадан бери кўҳна қитъада миллатчилар позицияси кучайиб бораётганидан ташвишда. Илгариги Марин Ле Пен Австрия Озодлик партияси, Бельгиянинг ўта ўнг «Фламанд манфаати» партияси,

Швеция демократик партияси, Италиянинг «Шимол лигаси» ва «Миллий ўнг марказ» партиялари иштирокида блок тузилиши эҳтимоли ҳақида гапирганди. Шунинг ўзиёқ олдин Европарламентда ҳеч қандай тўсиксиз ва маслаҳатлашувлар асосида қабул қилинадиган қарорларга тўсиқ қўйиш ёки унга тузатишлар киритиш ҳаракатларига кифоя қилади. Олдин Жан-Клод Юнкер ва Мартин Шульц партиялари ўртасида дебатлар тез-тез ўтказилганига қарамай, Европа парламентидаги асосий депутатлик гуруҳлари у ёки бу қарорлар юзасидан аксарият ҳолларда тил топишиб кетишарди. 2009-2014 йилларда Европа халқ партияси ҳамда Европа социалистик партиялари вакиллари кун тартибига қўйилган қарорларга 74 фоиз ҳолатда бир хил овоз беришган. Энди миллатчилар блоқи тузилганидан бўлса, молиявий операцияларга солиқ жорий этиш, банк иттифоқи тузиш, глобал молиявий регулятор тузиш каби ислохотларни амалга ошириш қийин кечади. Ле Пен ҳозирдангун французлар ЕИнинг бунгунги тузилмасидан воз кечиши хусусида баёнот бериб, суверен миллатлар ихтиёри асосида янги Европани қуришга қақирди. Шу пайтгача иккинчи даражали бўлиб келган партияларнинг нуфузи ошгани, Буюк Британия, Франция ва бошқа мамлакатлардаги шунга ўхшаш ҳолатларни ҳисобга олсак, келгуси миллий сайловлар Европанинг сиёсий ҳаритасига ўзгартириш киритиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Францияда «Миллий фронт»нинг оммалашуви бежиз эмас, албатта. Франсуа Олланд мамлакат тарихидаги рейтингни энг паст президентга айланди. Уни



аҳолининг 30 фоиздан камроғи қўллаб-қувватлаётган бўлиб, иқтисодий сиёсатдаги муваффақиятсизликлар бунинг бош омилдир. Президент ишсизликни камайтиришни бошқарувидаги устувор вазифалар сирасига киритганига қарамай, ишсизлар сони факат ўсди. Шу кеча-кундузда ишсизлар меҳнатга лаёқатли аҳолининг 11,1 фоизини ташкил этади. Биргана 2013 йилда ишсизлар сони 5,7 фоизга кўпайди. Ташқи қарздорликни гапирмаса ҳам бўлади, давлат қарзи даражаси ялпи ички маҳсулотнинг 95 фоизини ташкил этмоқда. Франциянинг қарзлар фоизлари учун тўлови деярли 47 миллиард еврога етган. Бу бюджет ҳаражатлар қисмининг асоси десак ҳам бўлади.

Бундан ташқари, мамлакат фуқароларининг ҳарид қобилияти тушишда давом этмоқда. Иқтисодий инқироз соясида бунинг ажабланишли жойи йўқдир балки, аммо мазкур кўрсаткич 1984 йилдан бери биринчи марта пастга шўнғиди.

Европа иқтисодиётида соғломлашиш кузатилмоқда, бирок минтақани 2008 йилдан бери таъкиб этаётган молиявий таназзул ҳали туғгани йўқ, деб баёнот берди Халқаро валюта жамғармаси раҳбари Кристин Лагард. Германиянинг Handelsblatt газетасига берган интервьюсида ХВЖ етакчиси Жаншубий Европа компанияларининг бир қисми кредит олиш билан боғлиқ қийинчиликларини бошидан ўтказётганини маълум қилди.

Лагард хоним евромақонда кузатилаётган инфляциянинг паст суръатлари ҳам иқтисодиётни тиклаш ишига таъкид солаётганидан оғоҳлантирди. Евро

па Марказий банки президенти Марио Драги ҳам унинг фикрларини такрорлади.

Буюк Британияда ҳам вазият ҳавас қиладиган даражада эмас. Даромадлар бўйича аҳолининг табақалашуви ортмоқда, кўчмас мулк нархи юқори суръатларда ошмоқда, аҳолининг реал даромадлари эса ўсмаяпти. Натижада британияликлар, айниқса, ёш оилалар кўчмас мулк сотиб олишда жиддий муаммоларга рўбарў қелишаётди. Айни пайтда қиролликнинг давлат қарзи ҳажми расмий тахминлардан кўра тезроқ ўсаяпти. Ҳаммасидан кўра фуқаролар муҳожира билан боғлиқ вазиятдан норозилар. Меҳнат муҳожирали оқимининг муттасил ошиб бораётгани, ижтимоий кескинликнинг кучайгани, ишсизлар армиясининг ўсаяптани Европа Иттифоқи тузилмаларига бўлган ишончга путур етказмоқда. Нафақат британияликлар, балки европаликларнинг аксарияти ўз ҳукуматларининг муҳожирик сиёсатидан норозилик билдирмоқдаларки, бу мамлакатларнинг ҳукуматлари бундай кайфиятга ўз вақтида жавоб бера олмаётдилар. Британия ЕИнинг етакчи аъзоларидан бири сифатида ҳар доим ўзига хос мавқеи эгаллаб келган. Хусусан, яқинда бош вазир Дэвид Камерон янги таклифни илгари сурди: Брюссель ваколатлари доимий тарзда ўсиб бормаслиги керак, аъзо мамлакатлар ЕИ ичкарисида назоратсиз меҳнат миграциясини чеклашлари, биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа юридик институтлар устидан назоратни сақлаб қолишлари лозим.

Тўғри, дефолт ва еврозонанинг парчаланиши хавфи қай

майди, аммо жиддий иқтисодий муаммолар бартараф этилмади. Қарздорлик юки кескин ошди, даромадлар ўсиш суръати жуда пасайди, ишсизлик эса юқориликка қолмоқда. Испания ва Греция меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 20 фоиздан кўпроғи ишсиз. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган дастур ва лойиҳалар эса кун сайин қисқариб бораёпти.

Мана шундай мураккаб шароитда Найжел Фараж (Nigel Farage) (Мустақиллик партияси етакчиси) Британия сиёсатида зилзила уюштириш бора-сидаги ваъдасининг устидан чиқди. Бу эса мамлакатнинг янги тарихида на лейбористлар, на консерваторлар ғалаба қозongan илк сайлов бўлди. Ваҳоланки, бундан 20 йил муқаддам Европарламентга ўтказилган биринчи сайловларда БКМП сайловчиларнинг атиги бир фоиз овозига эришганди, ҳолос. Либерал-демократлар эса атиги 7 фоиз овоз тўпладда қироллик мағлубият аламини тортирди.

Мустақиллик партиясининг ғалабаси амалдаги ҳукумат ва бошқа партияларни хушёр тортирди. Қиролликнинг меҳнат ва пенсия таъминоти вазир Иан Дункан Смит (Iain Duncan Smith) Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларидан келган муҳожира учун белгиланган нафақа пулини олти ойдан уч ойгача қисқартириш режасида эканини эълон қилди.

— Бир сўз билан айтганда, сайловчилар ўз ҳукуматлари ва ЕИ идораларининг сиёсатидан кўнглиллари тўлаётгани йўқ, ЕИни танқид қилаётган партиялар сони ўсишда давом этмоқда, айрим мамлакатларда улар ҳатто ҳокимият тепасига қелиши мумкин, — деб ёзади Британиянинг The Economist журнали.

Хуллас, сайлов натижалари Европа мамлакатлари ўртасидаги интеграцияни янада мураккаб вазифага айлантираётганини таъкидлаш жоиз. Аҳолининг турмуши яхшиланмаса, қўшимча иш ўринлари яратилмаса навбатдаги сайловларда миллатчи ва агрессив кучлар ҳокимиятга қелиши мукаррар бўлиб қолади.

Абдулло АБДУЛБОҚИЕВ

ҳайдовчиларни ҳам, пиёдаларни ҳам жиноятга бошламоқда

юз грамм ароқ қимми ўлдирибди», деган тугуриқсиз гаплари билан ҳайдовчининг нафсониятига текканлар.

Маълумки, мастлик инсоннинг онгини хиралаштиради, ундаги турли инсоний ҳисларни йўқотади. Маст одам нима иш қилаётганини, бу ишнинг оқибати нималарга олиб қелишини унутлади. Мана, бунга бир неча мисоллар:

2014 йил 23 март куни соат 21-00 ларда, Жиззах вилояти Мирзачўл туманида қаровсиз қолдирилган, М.Мусурмоновга тегишли «ВАЗ-21154» русумли автомобилни номаълум шахс олиб қочади. Олиб борилган тезкор кидирув ва суриштирув ишлари натижасида ушбу жиноятни Мирзачўл туманида яшовчи, 1985 йилда туғилган С.Явобсаров маст ҳолда содир этгани аниқланди.

2014 йил 22 апрель куни соат 16-30 ларда, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида яшовчи, 1989 йилда туғилган С.Эгамов маст ҳолда бемақсад айланиб юриб, Чирчиқ шаҳар А.Навоий кўчасида қаровсиз турган «Ласетти» русумли автомобилни кўриб қолади. Спирт қаракт қилган онгда бирдан ана шу автомобилда сайр қилиш истаги туғилади. Бу истак уни автомобилни олиб қочишга ундайди. Аммо орадан кўп вақт ўтмай у қўлга тушади. Ички ишлар бўлимига олиб келинган С.Эгамов қонун посбонларини кўриб қайфи тарқаб кетади ва қилган ишидан пушаймон бўлиб афсус чекади. Аммо энди кеч бўлган эди. Мастликда жиноят қилиб, ўзгалар мулкни ўзлаштиришга интилган бу автомобиль шай-долари энди қонун олдида жавоб беради.

Спиртли ичимликдан маст бўлиш нафақат ҳайдовчиларни, балки пиёдаларни ҳам турли қўнғилсизликларга тушиб қолишларига сабаб бўлмоқда. Хушёрлиқни йўқотган бундай кимсалар хавф-хатарни унутиб автомобиль йўлларда пайдо бўлиб қолишаёпти. Серкатнов йўлларда, белгиланмаган жойлардан кўчани кесиб ўтишяпти. Оқибатда эса...

Шу йил 2014 йил 29 март куни соат 21-30 ларда, Тошкент вилояти, Янгийўл туманида, ҳайдовчи Р.Рахимов «Матиз» русумли автомобилни бошқараётган, йўлни маст ҳолда кесиб ўтаётган пиёда, Янгийўл туманида яшовчи, 1959 йилда туғилган Н.Богдановни уриб юборган. Натижада пиёда Н.Богданов тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.

Сурхондарё вилоятининг Дево туманида 2014 йил 25 март куни соат 05-00 ларда содир бўлган воқеа бундан ҳам аянчли. Туманининг Жартепа маҳалласида яшаган, 1978 йилда туғилган А.Ҳайдаров меъеридан ортиқча ичиб юбориб уйига етиб бора олмади. Кайфи ошиб шундоққина асфальт йўлга ётиб уйкуга кетди. Тонг сахар юмуш билан йўлга чиққан ҳамқишлоғи Б.Ражабов уни кўрмай қолиб босиб кетди. Натижада пиёда А.Ҳайдаров воқеа жойида ҳалок бўлди.

Маълумотларга кўра, ҳар кун давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўртача 120-130 та маст ҳолда транспорт воситасини бошқараётган ҳайдовчилар аниқланади. Ахир бу қичик рақам эмас-ку. Бу рақамларнинг ҳар бири оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келти-

риб чиқариши, қайсидир бегуноҳ инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш йўлида меҳнат қилаётган йўл патрули хизмати инспекторлари эса шунча фалокатнинг олдини олишади. Бу билан қўллаб инсонларни бахтсизликлардан асраб қолишади.

Шу ўринда маст ҳолда рулга ўтироқчи бўлган ҳайдовчиларнинг масаланинг бошқа бир томонини ҳам эслатиб ўтмоқчиман. Боринги, сиз маст ҳолда транспорт бошқариб ЙПХ ҳодимининг қўлига тушдингиз, аниқроғи қонун олдида жавоб беришингизга тўғри келиб қолди. Хўш, бунда қонун қандай жазо чораларини қўзда тутади? Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидида бу ҳақда аниқ-равшан ёзиб қўйилган: «Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғоли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши — транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик ҳайдовчилик ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилса, унга нисбатан республикамизда жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробари миқдоридида жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамок жазоси белгиланади». Буни изоҳлаб ўтиришга ҳоҳат йўқдир. Хулосани эса ҳар ким ўзича чиқариб олгани маъқул.

Акмал ЮНУСОВ,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХҲББ инспектори, копитор

Сўранг, жавоб берамиз!

ФАРЗАНДЛАРИМНИНГ ҲАҚҚИ БОРМИ?

Икки нафар воёга етмаган фарзандим бор. Ўзим 3-гуруҳ ногирониман. Собиқ турмуш ўртоғим хасталиқдан вафот этди. Ўлимидан сая олдин барча мол-мулкни отаси ва укасига васият қилиб қолдирибди. Болаларимга отасининг мол-мулкидан ҳеч нарса тегмайдими?

Ж.Ҳолиқова, Бўка тумани

Фуқаролик кодексининг 1142-моддасида меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унда мерос қолдирувчининг воёга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эр ёки хотин ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятномаининг мазмунидан қатъи назар қонун бўйича ворис бўлганлариди улардан ҳар бирига тегишли лозим бўлган улушнинг қамиди ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар, деб кўрсатилган. Демак, улар ҳам қонун бўйича, ҳам васият бўйича ворислик ҳуқуқининг субъектлари таркибига қиради.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан, оддий уй-ҳозлар ва рўзгор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбурийатининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилди.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг факат мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатан ҳақиқий ҳисобланади.

Демак, фарзандларингиз отасидан қолган мол-мулкдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга.

Мукаррам ЗУФАРОВА

Чирчиқ шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси

МАҲКУМЛАР БИЛАН АЖРАЛИШ ТАРТИБИ

Газетангизнинг ўтган сонидида маҳкумлар билан никоҳдан ўтиш тўғрисидаги маълумотингиз менда қизиқиш уйғотди. Шу сабабли мен ҳам сизлардан маслаҳат сўрамоқчиман. Маълум сабабларга кўра, ўтган йили турмуш ўртоғим билан ажрашмоқчи эдим, лекин у ўртаимизда икки нафар воёга етмаган фарзандларимиз борлигини рўқча қилиб ажралишга рози бўлмади. Ҳозирда эрим оғир жиноят содир этгани учун узоқ муддатда озоқликдан маҳрум этилган. Айтинг-чи, унинг розилигисиз никоҳдан ажралишим мумкинми ва бунинг учун қарерга мурожаат қилишим керак?

Нозима Қувондиқова, Тошкент вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига асосан, агар эр ёки хотиндан бири:

- суд томонидан бедарак йўқолган, деб топилган бўлса,
- суд томонидан руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз, деб топилган бўлса,
- содир қилган жинояти учун уй йилдан кам бўлмаган муддатга озоқликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада воёга етмаган болалари борлигидан қатъий назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар ФХДЭ органларида никоҳдан ажратилди.

Уч йилдан кам бўлмаган муддатга озоқликдан маҳрум этилган шахсининг эри (хотини) ФХДЭ бўлимига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва никоҳ гувоҳномаси билан бирга суднинг қонуний қучга қирган ҳукмидан кўчирма, судланган эр-хотиннинг ўртадаги болалари ва мол-мулк юзасидан нисоси йўқлиги тўғрисида тиллат тақдим этиши ва никоҳдан ажралиш тўғрисидаги аризасида жазони ўташ жойининг аниқ маъназлини кўрсатиши керак. Аризани қабул қилиб олган ФХДЭ органи шу қуниёқ бу тўғрида жазони ижро этиш муассасасига хабарнома жўнатади. Муассаса маъмурияти хабарномани олгач, икки ҳафта мобайнида маҳкумининг аризаси билан ўртада болалар ва мол-мулк тўғрисида низо йўқлиги ҳақида ёзма равишда билдиришомасини тасдиқлаб, ФХДЭ органига жўнатади. Маҳкумининг ҳеч қандай низолари бўлмаса, унинг рози ёки рози эмаслиги натижата олинмасдан никоҳдан ажралиши қайд этилади. Мулкий низолар борлиги ҳақида жавоб хати келган тақдирда, никоҳдан ажралиш қайд этилмайди ва аризачига никоҳдан ажралиш учун судга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади.

Демак, сиз аввало, ўзингиз яшаётган жойдаги ФХДЭ органига мурожаат қилишингиз керак.

Сайёра УМАРОВА,

Қиброй тумани ФХДЭ бўлими мудури

Reklama

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ

бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказилади аниқ очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш дирекцияси томонидан Тошкент шаҳар Мировол тумани Баровский 6, А.Темур кўчаси 6-уй манзилида сақланаётган 1. 1998 йилда и.ч, д/р 01 220 TBA, бошлангич нархи 5 483 000 сўм бўлган, 2. 2002 йилда и.ч, д/р 01 274 HCA, бошлангич нархи 5 458 000 сўм бўлган, 3. 1998 йилда и.ч, д/р 01 275 HCA, бошлангич нархи 5 325 000 сўм бўлган, 4. 1998 йилда и.ч, д/р 01 276 HCA, бошлангич нархи 5 300 000 сўм бўлган, жами 4 донга ГАЗ-3102 русумли автомобилотранспорт воситалари ҳамда «VIP SERVIS NBU» маркази унитар корхонаси томонидан Тошкент шаҳар Юнусовол тумани Янги шаҳар кўчаси 11-уй (олдинги Муродов кўчаси, 1а-уй) манзилида сақланаётган 5. 1998 йилда и.ч, д/р 01 273 VBA, бошлангич нархи 8 380 818 сўм бўлган, 6. 1998 йилда и.ч, д/р 01 469 ABA, бошлангич нархи 8 380 818 сўм бўлган, 7. 1998 йилда и.ч, д/р 01 472 ABA, бошлангич нархи 8 380 818 сўм бўлган, 8. 1998 йилда и.ч, д/р 01 549 ABA, бошлангич нархи 8 380 818 сўм бўлган, 9. 1997 йилда и.ч, д/р 01 564 ABA, бошлангич нархи 8 380 818 сўм бўлган, 10. 1997 йилда и.ч, д/р 01 578 ABA, бошлангич нархи 8 380 818 сўм бўлган, 11. 2000 йилда и.ч, д/р 01 563 ABA, бошлангич нархи 8 661 818 сўм бўлган, 12. 2000 йилда и.ч, д/р 01 582 ABA, бошлангич нархи 8 661 818 сўм бўлган, 13. 2000 йилда и.ч, д/р 01 574 ABA, бошлангич нархи 8 661 818 сўм бўлган, 14. 1998 йилда и.ч, д/р 01 461 ABA, бошлангич нархи 8 380 818 сўм бўлган, 10 донга ДАМАС русумли, 15. 2001 йилда и.ч, д/р 01 240 VBA, бошлангич нархи 10 090 818 сўм бўлган, 16. 2001 йилда и.ч, д/р 01 788 BBA, бошлангич нархи 10 090 818 сўм бўлган, 17. 2001 йилда и.ч, д/р 01 101 GBA, бошлангич нархи 10 090 818 сўм бўлган, 3 донга ГАЗ-3102-101 русумли, 18. 2002 йилда и.ч, д/р 01 260 VBA, бошлангич нархи 9 121 818 сўм бўлган, 19. 2002 йилда и.ч, д/р 01 263 VBA, бошлангич нархи 9 601 818 сўм бўлган, 2 донга ГАЗ-22171-5304 русумли, 20. 2002 йилда и.ч, д/р 01 265 VBA, бошлангич нархи 9 903 818 сўм бўлган, ГАЗ-2752-414 русумли, 21. 2000 йилда и.ч, д/р 01 562 ABA, бошлангич нархи 7 754 818 сўм бўлган, 22. 2000 йилда и.ч, д/р 01 568 ABA, бошлангич нархи 7 754 818 сўм бўлган, 23. 2000 йилда и.ч, д/р 01 572 ABA, бошлангич нархи 7 754 818 сўм бўлган, 24. 2001 йилда и.ч, д/р 01 640 ABA, бошлангич нархи 7 754 818 сўм бўлган, 25. 2000 йилда и.ч, д/р 01 641 ABA, бошлангич нархи 7 754 818 сўм бўлган, 5 донга ТИКО русумли ва 26. 1993 йилда и.ч, д/р 01 773 YAA, бошлангич нархи 9 631 818 сўм бўлган, ДЭУ ПРИНЦ русумли автомобилотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2014 йил 1 июль куни Тошкент шаҳар Мировол тумани Бухоро кўчаси 10-уйда соат 11:00 да бўлиб ўтади. Махжур автотранспорт воситалари ушбу савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси ҳар ҳафтанинг сенанба кунлари соат 11:00 да 2014 йилнинг охиригача бўлади. Аукцион аяқларни савдо тутаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларида қўйилган автотранспорт билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомга (ариза)ларни Тошкент шаҳри Мировол тумани Бухоро кўчаси 10-уй манзилида расмий иш қулилари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилади билан бир кун олдин тўхтатилади. Махжур савдоларда қатнашини учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишуви асосан объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ТИАСНИН АТИБ «Ипо-тека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 2020800060491652001, МФО 00425, СТИР 301218906.

Манзил: Тошкент шаҳри Мировол тумани Бухоро кўчаси 10-уй. Тел: 144-66-55. Гувоҳнома 2011 йил 01 ноябрдаги №005424

Тузатиш
“Адолат” газетасининг 2014 йил 16 майда 20 (980) — сонидида чоп этилган эълон “TURKISTON IHTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO” МЧЖ томонидан ўтказилаётган навбатдаги аукцион савдоси “2014 йил 9 июнь кунин” сўзлари ўрнига “2014 йил 16 июнь кунин” деб ўқилсин.

Ичкилик балоси

➤ ИИВ почтасидан

Ичкиликнинг зарари, у туфайли бегуноҳ инсонлар бошига тушган мусибатлар ҳақида жуда кўп гапирилган. Аммо, шундай бўлса-да, айрим масъулиятсиз ҳайдовчилар айби билан бундай ҳодисалар ҳақон содир этилмоқда. Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасининг марказий ахборот-диспетчерлик хизматига бундай маълумотлар келиб турибди. Энг ачинарлиси, бу маълумотлар ортида инсонлар ҳаёти, бевақт ҳазон бўлган умрлар турибди. Келинг, шу ўринда уларнинг айримлари билан танишиб, таҳлил қилиб кўрайлик.

...2014 йил 13 апрель куни соат 21-30 ларда, Тошкент шаҳар Ҳамза туманида яшовчи, 1990 йилда туғилган ҳайдовчи Р.Ахметшин маст ҳолда, Миробод туманида шахсий «ВАЗ-2107» русумли автомобилни бошқараётган, шу йўналишда олдинда ҳаракатланаётган, А.Майлиев бошқарувдаги «Дамас» русумли автомобилнинг орқа қисмига урилган.



Pharmed хусусий корхонаси жамоаси

бахтли келажагимиз тимсоли,
ҳаётимиз мазмуни
— жажжи кичкинтойларни
**1 июнь — Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни**
билан чин дилдан қутлайди!

Мустақил юртимизнинг
азиз ва бахтиёр фарзандларига
соғлиқ, шоду хуррамлик тилаймиз.
Гулгун чехраларингиздан табассум аримасин,
болалик қувончи ҳеч қачон тарк этмасин,
истиқболингиз порлоқ бўлсин!

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



обод диёримиз фарзандлари бўлмиш
болажонларимизни
**1 июнь — Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни**
билан муборакбод этади!

Хонадонларимиздан
кичкинтойлар кўлгуси
ҳеч қачон аримасин,
жажжи ўғил-қизларимизни
байрам шўкўҳи асло
тарк этмасин, деймиз!



Бизнес-лойиҳаларига —
банк кредитлари➤ Молия
муассасаларида

“Агробанк” иқтисодиётнинг агросаноат сектори корхоналари ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятини молиялаштириш ҳамда кредитлар бўйича хизматлар, шунингдек, илғор тажрибаларга таянган ҳолда тадбиркор-ишбилармонлару фермер-деҳқонлар ва аҳолига кенг қўламадаги замонавий банк хизматларини кўрсатиб келаётган молиявий муассасалардан биридир. Жумладан, банкнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва филиаллари томонидан ажратилаётган кредитлар вилоят иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожлантириши билан бир қаторда аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга, ҳудудда ижтимоий бандликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қуйида мазкур банк кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйган ёки ривожлантираётган айрим юрtdошларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан танишсак:

Масрурбек Бадалов,
Шахрисабз туманидаги
“MAGRURBEK
YUKSALISH” хусусий
корхонаси раҳбари:

— Халқимиз орасида ўз уйи, маҳалласини обод қилиш истагини юрганлар талайгина. Мухими, шундан билан ўзгариб бораётган замонамизда юрtdошларимизнинг ободлик, бунёдкорликка бўлган муносабати ўзгарди. Эндиликда улар қайта-қайта қурилиш ишлари билан банд бўлавермаслик, маблағ сарфлайвермаслик учун барпо этажак иморатини ҳар томонлама мустаҳкам, сифатли қилиб қуриш истагини билдиришмоқда. Сифатли, бежирим иншоотлар шаҳар-қишлоқларимиз кўрқига қўриқчи билан бир пайтда халқимизга кўп йилларга хизмат қилиши мумкин. Эътиборли жиҳати, бу каби ободликларга асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган қурилиш маҳсулотларидан фойдаланилапти.

Ўйлаб кўрсам, жаннатмодан юртимизда қурилиш-боп табиий маҳсулотлар кўп. Фақатгина уларни қайта ишлаб, қурилиш учун маҳсулот тайёрлаш талаб этилади. Бунинг учун эса зарур моддий-

техник база керак бўлади. Шу ҳақда ҳар томонлама ўйлаб қўриб, ишни интернетдан хорижда ишлаб чиқариладиган тошни майдалайдиган ва саралайдиган ускуна-нинг нархи ва ишлаш механизми ҳақида тўлиқ маълумот излашдан бошлаб юбордим. Бу каби техникани ишлаб чиқарувчиларнинг тақлифларини ўрганиб чиқдим. Шундан сўнг режамнинг асосий қисмини амалда рўйбга чиқариш мақсадида бизнес-лойиҳа туздим ва вилоятимиздаги “Агробанк”дан 90 миллион сўм миқдорида кредит олдим. Бу маблағ ёрдамида хорижий ҳамкор-



ларим билан икки томонлама олди-сотди шартномасини тузишга эришдим. Шу билан ҳаёлимдаги режалар бирин-кетин амалга оша бошлади.

Банкдан кредит олиб, ишларимиз юриша бошлади, янги иш ўринлари яратилди. Мен ва мен каби тадбиркорлар ана шундай дорилмон замонда меҳнат қилаётганидан беҳад мамнун. Тўғри-да, ўзингиз ўйлаб кўринг, бугунги тадбиркор интернетда шахсий кабинетга эга бўлиши, тегишли ҳужжатларни интернет орқали тақдим этиши ёки мазкур тармоқ ёрдамида уйдан туриб четдан ишончли ҳамкор топиши мумкин бўлган замонда ишламай бўладими?

Фурсатдан фойдаланиб, биз, тадбиркорларнинг ташаббус, лойиҳаларини амалда рўйбга чиқаришга имконият бераётган вилоятимиздаги “Агробанк” раҳбарияти, ходимларига чуккур ва самимий миннатдорчилик билдиришмоқчиман. Биз ҳам ўз навбатида, тадбиркорларни қўллаётган давлатимизга қўлдан келганча наф келтиришга, халқимизнинг турмуши янада яхшиланишига ҳисса қўишга ваъда берамиз.

Сухроб Бурунов,
Ғузур туманидаги “Зангтепа
Давр” МЧЖнинг ёш раҳбари:

— Юртимизда биз, ёшларнинг униб-ўсиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун иқтисодий, ҳуқуқий шароитлар яратилган. Ўзимдан мисол. Ўтган йили туманимиздаги коллежни битирдим ва тадбиркорлик билан шуғулланиб, кир ювиш

Абдугани СОДИҚОВ

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«Асака» банк (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

Хорижий валютада:

«БАРАКАЛИ»

Ҳисобланган фойзлар ҳар ойда тўланади

«ИМТИЁЗЛИ»

Ҳисобланган фойзлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмолат ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юрtdошларида таълим олиш бўйича контракт тўловлари) йўналтирилади

«СОҒЛОМ АВЛОД»

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фойзлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 турдаги миллий ва хорижий валюталарда қўлай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Афросиёб филиали	366	221-77-56

Барча омонатларингиз
Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан
кафолатланади

«Асака» банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган

www.asakabank.com

Филиаллар	Код	Телефон
Асака филиали	374	233-13-69
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Бола қувончи — олам қувончи

➤ 1 июнь — Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш кўни

Ҳар қандай каттаю кичик элат, миллат, халқ ўзининг эртанги кунини, келажакни ўйлаб яшайди. Бусиз тараққиётнинг ўзи бўлмайди. Келажакнинг тамал тоши эса бугун қўйилади. Эртанги кун бугуннинг сано-ҳаракатларида, қайси масалага ва соҳага олоҳида эътибор қаратилаётганида намоён бўлади.

Ёш авлодсиз келажак йўқ. Ўшбу оддий ҳақиқатни англаб етган давлатлар ҳамиша ўсиб келаётган авлодга, болаларга ўзгача ғамхўрлик кўрсатади, уларнинг коммунал инсонлар бўлиб етиштирилиши учун қайғуради.

Тўла ишонч ва фахр билан айта оламизки, юртимиз мана шундай эртанги кунини ўйлаб яшаётган мамлакатларнинг энг олдинги сафида турибди.

Юртбошимиз томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши ҳам ўсиб келаётган ёш авлодга нисбатан давлат миқёсидаги доимий эътиборнинг яна бир ёрқин кўриниши бўлди. Соғлом бола дегани — энг аввало, жамиятнинг барча қатламларида, ҳаётнинг барча соҳаларида ҳукм сурайдиган хотиржамлик, эзгу фазилатлар устуворлиги дегани.

Эътибор беринг, кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ, ўтган салкам 23 йил ичида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган марказлар ташкил этиш, шонли-лиқ тиббий хизматни тақомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда мактоғга аризулиқ ютуқларга эришилди. Ҳар жиҳатдан баркамол авлоднинг воғяга етказиш, халқ соғлигини мустаҳкамлаш бош мақсад қилиб белгиланди. Президентимизнинг 1993 йил 23 апрелдаги фармони билан мамлакатимизда “Соғлом авлод учун” халқаро нодавлат хайрия жамғармаси вуҷудга келганини эслайлик. Айнан шу йили мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил ноябрь ойидаги фармони асосида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш Давлат дастурининг қабул қилиниши соҳада туб бурилиш ясади. Стратегик аҳамиятли бу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси қўйилган ҳамда унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилган. Мазкур дастур ихросини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш соҳасида илғор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўлининг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вуҷудга келди. Шундай ислохотлар натижасида йигирма уч йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқча қамайдиган, одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга ўзайиб, бу кўрсаткич эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди.

Афсуски, дунёнинг барча мамлакатларида ҳам соғлом фарзандни воғяга етказиш масаласига эътибор бу даражада эмас. Жаҳон оммавий ахборот воситалари кейинги ўн икки йил мобайнида дунёда содир этилаётган ҳарбий тўқнашулар натижасида 2,5 миллиондан зиёд воғяга етмаган бола қурбон бўлганини, 10 миллиондан зиёд мурғак эса турли даражада тан жароҳати олганини таъкидламоқдалар.

Бугун ҳам жаҳоннинг у ёки бу бурчагида қонли урушлар юз бериб турибди. Ачинарлики, ана шундай урушларда энг кўп азият чекаётганлар инсоният келажиги бўлиши болалар ва аёллар ҳисобланади. Одатда ҳимояга, ёрдамга ёки алоҳида ғамхўрликка муҳтож ана шу табақа вакиллари ҳаётини ташвишлардан холи этиш, улар осмонини қора булутлардан тозалаш ҳар доим ҳам муқаддас бурч бўлиб келган. БМТнинг халқаро болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар навқирон авлод турмуш фаровонлигини юксалтириш, улар ҳаётини турли-туман офатлардан асраш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган саёй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятининг қашшоқлик ва очарчиликни тугатиш, саводсизликка барҳам бериш, қочқоқлар муаммосини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни биринчи қадам болаларга ғамхўрлики гўда тугади, албатта. Зеро, юқорида тилга олинган иллатлар, аввало, жаҳон болаларининг ҳаётини издан чиқармоқда. Охириги ярим аср мобайнида инсон ҳуқуқлари соҳасида бир қатор конвенциялар қабул қилинганга қарамай, ҳимоясиз болалар ва аёлларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, уларни зўрлаш, қийнаш, ўлдир-иш, аксарият ҳолларда ёш болаларни урушга ёллашдек оғир иллатларга ҳамон дуд келинмоқда.

Айрим давлатларда ёш авлод вакиллари учун мактаб эшикларини умуман ёпиқлиги, 1 миллиардан ортиқ одамнинг саводсизлиги, уларнинг аксариятини эса болалар ташкил этаётгани, баъзи ривожланаётган мамлакатларда мактабга жалб этилган болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари тўғрисида ўқимизда кетишга мажбур бўлишаватгани, ҳар йили сайёрамиз бўйлаб 14 миллион нафар гўдакнинг турли ҳасталиқлардан но-буд бўлаётгани бу борадаги вазиятнинг нақадар аянчли эканини кўрсатиб турибди.



Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланган, аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этаётган Ўзбекистонда таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилаёпти. Ота-оналар фарзандларини нуфузли таълим даргоҳларида ўқитиш ўйи билан банд. Ёдингизда бўлса, бир неча йил муқаддам ЮНЕСКО экспертлари Ўзбекистоннинг таълим тизимини МДХдаги энг яхши тизим, деб эътироф этгандилар.

Истиқлол йилларида давлатимиз инсон ҳуқуқлари, хусусан бола ҳуқуқлари оид қўллаб-қўллаб ботимларни имзолади. Миллий қонунлар ишлаб чиқилди. Жумладан, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»-ги Конвенция, «Болаларни омон асраш, ҳимоя қилиш ва қамол топтириш таъминлаш тўғрисида»-ги Умумжаҳон Декларацияси, «Болаларни бошқа мамлакатга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисида»-ги Гаага Конвенциясининг ратификация қилинган юртимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг ёрқин далилидир. «Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида»-ги, «Воғяга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва

ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»-ги, «Таълим тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш ишига хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун биз ўтган асрнинг тўқсон биринчи йили қуздан бошланган янги, эркин ҳаётимиз тарихига назар ташлаб, шу йиллар ичида Юртбошимиз Ислам Каримов раҳбарлиги остида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, шу қисқа вақт ичида нақадар мураккаб, аммо улуг, асрга татиғулик шонли йўлни босиб ўтганимизга амин бўламиз. Фақат биз эмас, дунё ҳамжамияти Ўзбекистон ўзи танлаган, халқига, миллий манфаатларига хос ва мос йўлдан дардил одимлаётганига, ҳар бир йилини барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунлаб, янада фаровон ва бахтли ҳаёт тадориғини кўраётганига гувоҳ бўлиб турибди.

Ташпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

улар айрим катталардан тинчликни, шоду хуррамликни ҳуш кўради, унинг қадрига етади.

Тошкент шаҳридаги 395-сонли “Ягона ширинтойлар” номи мактабгача таълим муассасасида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб ўтказилган маданий-бадиий тадбир ҳам ана шундай кўтаринки ва самимий руҳда ўтказилди. Суратдаги ўн икки нафар қизалоқлар “Олма пишганда галин” қўшиғига хоразмча рақасга тушишар экан, тайёрлаган сахна асарини авваламбор онажонлари, тарбиячилари бағишлагандек гўё. Бундай дақиқаларда уларни рақс тушишга ўргатган тарбиячилари ва мусиқа раҳбари Гулнора Гафурова, Саодат Абдуллаева, Муҳаббат Хидоятова ва Шаҳноза Соповалар, боғча мудираси Дилором Якубова тарбияланувчилардан ҳам кўпроқ ҳаяжонланиши табиий. Фарзандининг кичкина бўлса-да ютуғига евуоҳ бўлаётган ота-оналар ич-ичидан фахрланиши ҳам аини ҳақиқат.

Adolat

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Мамозир ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МҲМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144). Набатчи муҳаррир — Илёс Сахатов. Набатчи — Ғулмолжон Хидиров

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Тахририят маъноси: 100043,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.

info@adolatgiz.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбўти

ва ахборот агентлиги томонидан 0018

рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона маъноси: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ.

Офсет усулида босилган. Буюртма Т — 500. Адади — 9502

Босишга топириш вақти — 23.25 Босишга топирилади — 01.20

1 2 3 4 5

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5217

4772041521004

Хотуси келишиминан нархда